Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

У. М. Мирзақуловни Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 (12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ Уммат Маматқулович Мирзақулов Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ***И. КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри,
1998 йил 16 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Э. М. Рўзиевни Тошкент вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Эркин Маҳмудович Рўзиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Тошкент вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ***И. КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри,
1998 йил 16 декабрь.

Президент ҳузурида қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 декабрь куни Германиянинг «Тиссен Ҳандельсунион АГ» компанияси бошқаруви аъзоси Ханс Ульрих Грубер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мазкур компания «Тиссен АГ» концерни таркибидаги ҳиссадорлик жамиятидир. Германия, АҚШ ва бошқа мамлакатлардаги корхоналарида 128 минг киши хизмат қиладиган бу концернинг йиллик савдо айланмаси 40 миллиард маркадан ошади. Унинг таркибидаги компаниялар йўловчи ва юк ташиш лифтлари, ногиронлар учун кўтаргичлар, автомобиллар кузовлари учун эҳтиёт қисмлар, авиация ва фазо кемалари учун юқори технологиялар, турли двигателлар, турбиналар ишлаб чиқаради. Бундан ташқари, концерн савдо, саноат материаллари ишлаб чиқариш, саноат корхоналарини замонавийлаштириш ва қайта таъмирлаш, нефтни қайта ишловчи ҳамда кимё саноатида фаолият кўрсатувчи заводлар, қувурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан ҳам шуғулланади.

«Тиссен Ҳандельсунион АГ» компанияси Ўзбекистонда қатор лойиҳаларни амалга ошириш, хусусан, мис рудасини қайта ишлаш, калий ҳамда ош тузини топиш ва ишлаб чиқариш, саноат корхоналарини қайта таъмирлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган митти заводлар келтириб ўрнатишни мўлжалламоқда. Бу борада «Ўзкимёсаноат» уюшмаси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, мамлакатимиздаги бошқа металлургия заводлари билан ҳамкорлик ўрнатиш кўзда тутилган.

Меҳмонлар билан учрашувда мамлакатимиз раҳбари ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун Ўзбекистонда кенг имкониятлар мавжуд эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида қатор соҳалар бўйича қўшма корхоналар тузиш билан боғлиқ, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев ҳамда «Ўзкимёсаноат» уюшмаси раиси Н. Юсупбеков иштирок этди.

Қабулда Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Р. Биндзайл ҳозир бўлди.

(ЎзА)

Хатлар, хатлар, хатлар

Кўза синдирган азиз бўлса-я

Ҳурматли таҳририят ходимлари. Бу мактубни Қашқадарёнинг Шаҳрисабз тумани, «Ҳисор» жамоа-ширкат хўжалигидан йўллаяпман. Қарийб 75 йилдан бери механизаторлик қиламан. 1993 йили хўжалигимизнинг Оммаюн қишлоғида 8-бригадасига қарашли Ховдан участкасидан 13 гектар ер олиб, буғдой ва картошка экдим. Буғдойзор оралатиб олма ниҳоллари ўтқаздим. Қизиғи шундаки, бошқа звеноларнинг ниҳоллари қуриб қолди. Мен болаларим, қариндош-уруғлар билан 4 километр узунликда ариқ қазиб, суғориш ишларини йўлга қўйдим. Хўжалигимиз раиси С. Турмонов қаршилик қилиб турибди. Экилган ниҳоллар ораларини ҳайдатиб олишга ёрдам сўрасам, фақат йўқ жавоби оламан. Балки, саккиз тонна буғдой ўрнига 11710 килограмм уруғлик буғдой топширганим билан қийдордирман. Яна 2500 килограмм картошка топшириб режани ортиғи билан бажардим. Лекин бу билан раиснинг муносабати ўзгармади. Айни пайтда 84-йилдан бери топширилган ортиқча буғдой учун на ҳақ, на ҳосил беришади. Барча уринишларим зое кетмоқда. Сўзсиз, қарздор бўлсам ревизор орқали ундириб олардику!

Бир нарсага хайрон қоламан. Нега энди раис ўзининг поччасига 20-25 гектарлаб буғдойни шахсан эктириб берганини билишади. Лекин оддий киши бор-йўғи икки сотих майдонга картошка экган бўлса, молиядан одам чақириб жарима солдиришни қўймайди. Ўз поччасининг экин майдонларини хўжалик трактори билан ҳайдатиб, комбайни билан ўриб беришни билади-ку. Радио-телевизор, газеталарда адолатнинг қарор топиши, меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояси, мустақиллик одимлари ва тараққиётимиз билан фахрланиш ҳақида илиқ сўзлар эшитганингда ифтихорга бериласан. Аммо бизнинг раисга ўхшаганларни кўрганингда дунёга нима учун келганингни ҳам англолмай руҳий тушкунликка тушарканса киши. Бирдан бир умидим Сизлардан деб,

Йўлдош ЭШМАТОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 17 декабрь, пайшанба • № 150 (24.387).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Тошкент вилояти Кенгаши сессияси





16 декабрь куни Тошкент вилояти халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, республика вазирлик ва идоралари раҳбарлари, шаҳар ҳамда туман ҳокимлари иштирок этди.

Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Тошкент вилояти ўзининг улкан салоҳияти, имконияти, табиий бойликлари ва меҳнаткаш халқи билан мамлакатимизда алоҳида ўрин тутади, деди давлатимиз раҳбари. — Кейинги йилларда вилоят ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Иқтисодиётга чет эл сармоясини кенг жалб этиш натижасида саноат ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб бормоқда. Шунингдек, хусусийлаштириш кўламини кенгайтириш, қурилиш ва ободонлаштириш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Вилоятда ислоҳотлар туфайли қўлга киритилаётган ютуқлар билан бирга йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар ҳам борки, бу унинг мамлакатда тутган мавқеига салбий таъсир кўрсатади. Хусусан, етакчи тармоқ — қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар суст амалга оширилмоқда. Ерга, ишга эскича муносабат бутунлай барҳам топмаган. Ишни янгича ташкил этиш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, энг асосийси, қишлоқ меҳнаткашлари учун зарур шароитлар яратиш кўнгилдагидек эмас.

Юртбошимиз ўз нутқида халқ турмуш фаровонлигини оширишга алоҳида эътиборни қаратди. Афсуски, вилоятда аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлашда жиддий муаммолар мавжуд. Шу пайтгача уларни бартараф этиш юзасидан аниқ дастурлар ишлаб чиқилмаган, деди жумладан мамлакатимиз раҳбари. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ечимини кутаётган муаммолар анчагина. Бунинг сабаби — айрим раҳбарлар ҳамон эскича ишлаб келмоқда. Уларда ташаббускорлик, ишни янгича ташкил этишга, бир сўз билан айтганда, эски тизим қобиғини ёриб чиқишга интилиш сезилмаяпти. Эндиликда раҳбар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ёшлар имкониятидан кенг фойдаланиш, жамият ҳаётида аёллар мавқеини ошириш борасида ҳам кўп ишларни қилиш зарур.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан депутатлар Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келган Уммат Мирзақуловни вилоят ҳокими этиб тасдиқлади.

Сессияда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди.

Б. ЭГАМҚУЛОВ,
Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбирлари

* * *

Суратларда: сессия пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Халқ ишончи — олий масъулият

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигига эришиш, юртдошларимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф эта бориш ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг муҳим шартларидир. Президент Ислом Каримовнинг Тошкент вилояти халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида ана шу ҳаётий масалаларга жиддий эътибор қаратилди.

Тошкент вилояти ўзининг улкан салоҳияти, имкониятлари, табиий бойликлари ва меҳнаткаш халқи билан мамлакатимизда алоҳида ўрин эгаллайди, деди давлатимиз раҳбари.

Бугунги кунда юртимизнинг равнақини, порлоқ келажагини таъминлашда, халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда вилоят аҳолиси ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шу билан бирга вилоятда турли миллат вакилларининг тинч-тотув, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурматда яшаб меҳнат қилаётгани ҳам, агар таъбир жоиз бўлса, бизнинг энг катта ютуқларимиздан биридир. Собиқ ҳоким Эркин Рўзиевни Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тавсия қилишда биз вилоятнинг ана шу хусусиятларини ҳам ҳисобга олдик.

Бугунги вилоят Кенгаши мажлисидан кўзда тутилган мақсад битта — янги ҳокимни сайлаш ва тасдиқлашдан иборат. Энг муҳими, янги раҳбарни танлашда хатога йўл қўймасдан, шу лавозимга муносиб одамни сайлаб олишимиз керак. Бу масала нақадар мураккаб ва муҳим эканини барчамиз ҳаётий тажрибадан биламиз, керак бўлса, аччиқ ҳақиқатлардан тегишли хулоса чиқаришимиз мумкин.

Айни замонда, шу ерда ўтирган халқ депутатлари, фаоллар, вилоят ташкилотлари ва йирик корхоналари раҳбарлари билан биргаликда ўтган йил натижаларини холисона, танқидий кўз билан таҳлил қилиб, келажакдаги устувор режаларни, муҳим йўналишларни белгилаб олишимиз керак.

Вилоятда ўтган давр ичида анчагина ютуқлар қўлга киритил-

(Давоми 2-бетда)

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Фиғони фалакка чиққанлар»

Газетамизнинг Навоий вилояти бўйича ўз мухбири Музаффар Шароповнинг юқоридаги сарлавҳали танқидий мақоласида Навоий вилоятида йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишдаги айрим камчилик ва нуқсонлар ёритилган эди. Мақола текшириш ва чора кўриш учун Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат-акционерлик корпорациясига юборилди. Корпорация йўловчи ташиш бош бошқармаси бошлиғи Тоҳирхўжа Жамолхўжаев таҳририятимизга йўллаган жавоб хатида қуйидагиларни маълум қилган:

«Ҳақиқатан ҳам «Навоийтранс» давлат-акционерлик бирлашмасига қарашли автокорхоналарда автобусларнинг техник носозлиги туфайли туриб қолаётганлиги маълум. Бу масала «Ўзавтотранс» корпорацияси маъмурияти томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Йўл қўйган хато ва камчиликлари учун «Навоийтранс» бирлашмаси бош директори Б. Тўхтамишев вазифасидан озод қилинди.

Маълумки, халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган сессиясида автотранспорт ходимлари зиммасига улкан вазифалар юклатилган эди. Шу муносабат билан республика Бош вазирининг ўринбосари Л. Аҳметов томонидан махсус ишчи гуруҳи тузилди ва Навоий вилоятига юборилди. Ишчи гуруҳининг вазифаси — Навоий вилояти аҳолисига транспорт хизматини тубдан яхшилаш чора-тадбирларини амалга оширишдир.

Яқинда «Ўзавтотранс» корпорацияси бошқаруви раиси Қ. Сиддиқназаров ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда йиғилиш ўтказиб, ечимини кутаётган муаммолар қандай бартараф этилаётгани ҳақида фикрлашдилар. Йиғилишда тегишли тадбирлар қабул қилинди».

Элчихонада тантанали маросим

Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонасида император Акихито жаноби олийларининг 65 ёшга тўлгани муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Кечада хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик корпуслар вакиллари, кўплаб хорижий ва маҳаллий журналистлар иштирок этишди.

Кечада сўзга чиққан Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Коиче Обата император Акихитонинг мамлакат тараққиётига қўшаётган ҳиссаси ҳақида гапирди. Шунингдек, дўст мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликда амалга ошираётган сиёсий, иқтисодий, савдо-сотиқ борасидаги алоқалари ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди. Тантанали кеча икки халқ ўртасидаги дўстликнинг ёрқин намойишига айланди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ

Журналист текшируви

«Муҳрланган «725» — вагон»

ёки деҳқоннинг ўз пулига ўзи хўжайин эмаслиги хусусида

Сурхондарёда иқтисодий ислоҳотларини рўёбга чиқариш учун вилоят раҳбарларидан тортиб оддий меҳнаткашларгача астойдил меҳнат қилишмоқда. Кўплаб қувонарли натижалар қўлга киритиляпти. Аммо, шунга қарамай, бир неча йилдирки, пахта тайёрлаш бўйича давлат режалари бажарилмаяпти. Сабаби, аксарият деҳқон-фермер хўжаликлари кўнгилдагидек фаолият юритмаяпти. Ундан ташқари, деҳқон-фермер хўжаликлари қоғозда ҳуқуқий шахс ҳисоблансада, банкларда ҳисобкитоб рақамлари очилган бўлсада, бир йилда бир-икки муҳр босишга «ҳожат бўлмаётган» думалоқ муҳрга, тўртбурчак тамғаларга эга бўлса-да, улар тўғридан тўғри пахта қабул қилиш заводлари билан шартнома тузолмайдилар. Улар исташса-исташмаса хўжалик ёки деҳқон фермерлар уюшмаси орқалигина «фаолият» юритадилар. Бу хусусда «Сурхонпахтасаноатсотиш» бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Ороловдан сўрасангиз, «Тошкентдан, юқоридан шу ҳақда хат бор», — дейди.

Пахта тайёрлаш режаларининг бажарилмаётганига, ҳосилдорликнинг ошмаётганига катта сабаблардан яна бири — деҳқон йил бўйи меҳнат қилиб, унга ўз вақтида ҳақ ололмаётганидир. Натижада, деҳқонларнинг борган сари меҳнатдан, даладан кўнгли совиб бораяпти. Хўжаликларда ишсизлар кўп. Саноат корхоналари, маҳсулот ишлаб чиқараётган тўғироғи, ишчи кучи зарур бўлган кичик-кичик корхоналар ҳам вилоят қишлоқларида йўқ ҳисоби. Аниқки, яхши маош билан таъминлай оладиган шундай корхоналар бўлганда эди, аллақачон хўжаликнинг жуда кўп меҳнаткашлари ўша корхоналарга ўтиб кетишарди. Аммо, бошқа борар жойи бўлмаган деҳқонлар зўрма-зўраки равишда жамоа хўжаликларига аъзо бўлиб туришибди. Айрим хўжаликлар ўз вақтида ойлик маошни ололмаяптилар. Тан олиб айтиш жоиз: пахтакорлар нақд пулни фақат пахта йиғим-теримида кўришяпти. Бошқа пайтлари эса... пул йўқ.

Шу ўринда қизиқ савол туғилади: Хўш, пахтакорларимизнинг пули қаёққа кетаяпти? Нега деҳқонлар нафақат ўзини, балки ўзгаларни ҳам боқаётганлар ойлик маошларини олишолмаяпти?

Бу саволларга қисқа жавоб бериш мушкулга ўхшайди. Хўжаликлар етиштирган пахта, тола ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг пулини олаяпти-ю, деҳқоннинг ўзи ололмаяпти.

Гап бу ерда бугунги кунда хўжаликларга тўлов усулининг ғоятда антиқа эканлиги ҳақида бормоқда. Бу тўлов усулини қишлоқ хўжалиги ходимлари яхши билишади ва шунга кўникиб қолишган. Яъники, хўжаликларга пул ҳисобчилар тили билан айтганда фақат «целовой келар эмиш!». Бу «белгиланган», «целовой» ҳисоб рақами «725» деб юритилади. Чунки хўжаликларга «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси асосан фақат ана шу рақам орқали пул ўтказади.

Ана энди хўжалик меҳнаткашлари йил бўйи ишлаб етиштирган ҳосилни йиғиб давлатга топширган — пахта, ғалланинг пулидан мустақил, эркин фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум эканлигига нима дейсиз?! Бу «725» ҳисоб рақами билан келадиган пул қатъий белгиланган ҳолда июль ойларида 4 миллиардга яқин пул аванс ҳисобида «725» ҳисоб рақами билан берилган. Пахта йиғим-терими учун 1 миллиард 803 миллион сўм нақд пул теримчилар учун тарқатилган. «Сурхонпахтасаноатсотиш» бирлашмасининг пахтачилик хўжаликлари билан 1998 йил 10 декабрь ҳолатидаги умумий ҳисобкитоб далолатномаси бўйича эса, яна 1 миллиард 700 миллион сўмга яқин маблағ хўжаликларга тўланиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21 августдаги № 360-сонли қарорига асосан 1998 йил пахта ҳосилидан келадиган пулнинг 90 фоизи шу йилнинг охирига қадар тўла ҳисоб-китоб қилиниши лозим.

«Сурхонпахтасаноатсотиш» бирлашмаси бош ҳисобчиси Олим Ғаффоров бу ҳақда шундай дейди:

— Хўжаликлар билан тузилган шартномаларимизга асосан пахтанинг пулини ҳар йили тўлиқ тўлаб келаяпмиз. Республика «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси пулни вақтида бизга ўтказса, ҳукумат қарорига асосан 1998 йил пахта пулидан тўлолмай турган 1 миллиард 700 миллионни хўжаликларга ўтказамиз. Ҳозирча эса қачон пул беришади, айтолмайман.

Ангор туманидаги М. Азизов номли жамоа хўжалиги 1998 йилда вилоятда пахта тайёрлаш режасини ортиғи билан уддалаган хўжаликлардан бири. Хўжаликда 23 минг тоннадан зиёд пахта тайёрланган ёки умумий даромад 50 миллион сўмдан ошган. Хўжалик раиси Жўра Азизовнинг айтишича, кейинги икки-уч йилда меҳнаткашларга нақд пул деярлик берилмаган. Чунки, жорий йил бўйича ҳам 30 миллион сўмдан кўпроқ хўжалик аъзоларига иш ҳақи қарздор.

Хўш, хўжалик бу пулни қандай ўзсин? Махсус, ҳудди муҳрланган вагондек келиб кетадиган «725» ҳисоб рақамига тушадиган пулга хўжаликнинг ўзи хўжайин эмас. Бошқа ҳисобга эса пул берилмаяпти. Ҳеч сир эмаски, ҳозир кўплаб хўжаликлар ишчиларга пахта ёғи, ун, кунжара каби маҳсулотлар тарқатиб одамларини «овутиб» туришибди. Бу борада ҳам талай муаммолар йўқ эмас. Мисол учун, хўжалик режасини бажарди дейлик. Ундан келадиган чигитту олинадиган ёғ ва ҳоказоларни туман пахта заводи ҳисоб-китоб қилиб чиқади. Сўнг уни туман статистика бўлими тасдиқлайди. Сўнг вилоят «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси, ундан сўнг вилоят статистика бошқармалари тасдиқлайдилар. Улардан сўнг белгиланган ажратма — лимит орқали «Сурхонозиқовқатсаноати» ҳиссадорлик жамияти орқали сарсон-саргардончиликлардан кейин, хўжаликка тегишли бўлган пахта ёғи ёки кунжара маҳсулотлари тарқатилади. Хўш, нега энди етиштирган пахтасини қабул қилиб олаётган туман ва пахта заводлари тўғридан тўғри шу масалани ҳал қила олмайди?

— Бўладику-я, — дейди вилоят статистика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Р. Бобоев. — Энди бу тартиб-қоидалар шундоқ ҳам югур-югури кўп хўжаликларга, фермерларга (осон бўлсин деб) ўйлаб топилмаган. Аввалдан шундай бўлиб келганда.

— Оғриқли масалалардан бири шундаки, пахтанинг харид нархини оширмаса бўлмайди, — дейди Сурхондарё вилоят молия бошқармасининг бошлиғи Шуҳрат Мансуров. — Чунки вилоятда хўжаликларнинг моддий аҳволи жуда оғирлашган. Биринчидан, биргина 1998 йил якунига кўра давлат солиқлари бўйича вилоят агросаноат комплекси бўйича 1 миллиарддан зиёд қарз мавжуд. Ана шунинг эвазига нафақалар тўлаш ишлари бўйича вилоят бюджети давлатдан қарз бўлиб қолаяпти.

— Бир тонна юқори нав пахтанинг харид баҳоси 28 минг 710 сўм. Лекин ана шу бир тонна пахта етиштириш учун кетадиган бугунги сарф-харажатни ҳисобласак (бир тонна минерал ўғит 28 минг сўм, бир тонна солярка 30 минг сўм) деҳқонларга жуда қийин бўлаётганини айтиш қийин эмас, — дейди Олтинсой тумани қишлоқ ва сув хўжалик бошқармаси бошлиғи Бобоназар Тошбоев. — Ундан кейин бугун, не ажабки, пахта етиштираётган хўжаликлар эмас, балки хўжаликларнинг тайёр пахтасини қабул қилаётган ташкилотлар миллионер жамоаларга айланиб бораётганидан ҳам ажабланасан.

— Одам хўжаликка раҳбар бўлганига ҳам анчинасан баъзан, — дейди Қизирик туманидаги «Кунчиқиш» жамоа хўжалигининг раиси Ҳабибуллахон Холиқов. — Деҳқонларга пахта ёғи, кир совуни ёки шакардан бошқа нарсалар ҳам керак-ку! Шу ҳақларини йиллаб беролмасак. Раис бўлиб, бировнинг тўйи бор, азаси бор, нақд пул ёрдам қилинг, деб келишади. Бир сўм олиб беролмайсан. Иссиқ жон иситмасиз бўлмас деган гап бор-ку! Нима деҳқон йилига 1-2 бор тарқатиладиган 10-15 кг. мойни ҳам сотиб, болаларига кийим-кечак, дафтар-қалам олсинми? Бу масалада ўзгариш бўлиши керак, ахир. Яна бир масала: шу йилнинг ноябрига қадар Сурхондарёда давлат режасига асосан 90 минг гектар ерга ғалла экиб бўлинди. Аммо... шу меҳнатни қилган деҳқонлар ҳали сариқ чақа ҳам олишолгани йўқ.

— Қизирик туманида 10 минг гектар ерга ғалла экилиб, майсалари кўзни яшнатадиган бўлиб қолди, — дейди туман ҳокими Йўлдош Шойматов. — Бироқ деҳқонлар аванс пулини ҳамон олишолгани йўқ. Ахир, 10 минг гектар майдонни экишга тайёрлаш, уни кўкартириб олиш учун қанча харажат сарфланди. Мана бир-икки ойдирки, аванс пулидан дарак йўқ.

Ҳа, бу муаммолар албатта, бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Аммо Президентимиз ва ҳукуматимизнинг одилона юритаётган сиёсатлари туфайли, йилдан йил деҳқонларга ернинг ҳақиқий хўжайини бўлишлиги учун қатор хайрли Фармон ва қарорлари эълон қилинди. Қолаверса, юқорида биз тилга олган махсус «725» рақам орқали ҳисоб-китоб усулини бутунлай ножоиз деб эътироф этмоқчи ҳам эмасмиз. Фақат бозор иқтисодиёти даврида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам молиявий таъминот борасида янада эркинроқ йўллар изланса деган таклиф-мулоҳазани илгари сурмоқчимиз. Зеро, даромад ва буромад ҳисоб-китоби ҳар бир хўжалик масъулиятида бўлса, хўжаликлар ҳам янада тежамкорлик билан иш юритишлари турган гап.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Халқ ишончи — олий масъулият

(Давоми. Боши 1-бетда)

ди. Лекин бугун биз кўпроқ мавжуд муаммолар, нуқсонлар ҳақида гаплашиб олсак мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ўйлайман.

Очиқ айтишимиз керак: деярли ҳамма соҳаларда ҳам бир қатор камчиликлар, йўл қўйилаётган хатолар ва ечилмаган муаммолар мавжуд. Уларни бартараф этиш нафақат бугун тайинланадиган янги ҳоким, балки сиз муҳтарам халқ депутатларининг, барча бўғиндаги катта-кичик раҳбарларнинг, фаолларнинг диққат-марказида бўлиши лозим.

Кези келганда шуни айтиш керакки, депутатларнинг вазифаси фақатгина сессияларда қатнашиш, ҳокимни сайлашдангина иборат эмас. Улар вилоят ҳаётига фаол аралашмоғи, муаммолар ечимига ижобий таъсир кўрсатмоғи, зарур бўлса, вилоят раҳбарларининг, **жумладан, ҳокимнинг ҳам фаолиятини назорат қилиш**, ҳокимиятнинг ишини холисона баҳолаш, камчилик ва нуқсонлар ҳақида рўй-рост гапириш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш масалаларида ўз ҳиссасини қўшиши лозим, дея таъкидлади Ислом Каримов.

Депутатни халқ сайлайди. Халқнинг, сайловчиларнинг ишончини оқлаш деганда — биз бу сўзларни ҳаётимизда жуда кўп ишлатамиз, — депутатларимизнинг аввалambор ҳақиқий юртпарвар бўлишларини, жамоа манфаатларини ҳимоя қилишда ўзларини аямаслигини, ўзларини умид билан сайлаган одамларнинг дарду ҳасратларини ҳар доим ёдда сақлашларини англаймиз.

Яна бир бор таъкидлаб айтаман: депутат ҳам, раҳбар ҳам, қўйингки, ўзини шу юртнинг фарзанди деб биладиган ҳар бир киши фақатгина ўзининг кундалик иши, кундалик ташвишлари ва юмушлари билан чекланиб қолмасдан, эл-юртимизнинг фаровонлиги учун сидқидилдан хизмат қилиши, курашиши ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шундан сўнг мамлакатимиз Президенти бевосита вилоятда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги муаммоларга тўхталиб ўтди. Ислоҳотлар нега оқсамоқда, бунинг сабаблари нимада, деган кескин саволни ўртага қўйди.

Юқорида зикр этилганидек, вилоятда бозор иқтисодиётини шакллантириш борасида бирмунча ибратли ишлар амалга оширилганига қарамай, қатор оқсашлар, ишга солинмай ётган ички имкониятлар ҳали жуда кўп.

Бир муҳим вазифани чуқур англаб олишимиз зарур. Ҳаммамиз ҳам яхши яшашни, ҳаёт даражамизнинг, даромадларимизнинг ўсишини, иқтисодиётимиз тезроқ тараққий этишини хоҳлаймиз. Бу табиий ҳолдир. Иқтисод деганда том маънода нафақат халқ хўжалиги иқтисодини, нафақат биз ўзимиз ишлаётган корхона, хўжалик, ширкатни кўз олдимизга келтиришимиз лозим, балки биринчи навбатда ҳар қайси шахс, инсон, ҳар қайси оиланинг фаровонлигини назарда тутишимиз даркор.

Мана шу мақсадларга эришиш, мана шу эзгу ният, орзуларимизни рўёбга чиқариш учун ўз ишимизга, кунлик фаолиятимизга танқидий кўз билан қарашимиз, баҳолашимиз керак.

Замон, бугунги давр нималарни талаб қилмоқда-ю, биз нима қиляпмиз?

Бугунги кунда чегараларимиз очиқ; дунё бизнинг ҳаётимиз билан, биз эса жаҳон тажрибаси билан бемалол танишмоғимиз мумкин. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

Нафақат Президент, нафақат ҳукумат, нафақат раҳбарлик вазифасида ўтирган шахслар, балки ҳар қайси фуқаро битта саволга жавоб излаши керак: нима учун тараққий топган давлатларда, Францияни оласизми, Голландия, Исроил ва бошқа мамлакатларни оласизми, қишлоқ хўжалигида ишловчи бир киши етиштираётган маҳсулот 30-50 одамни боқишга етади-ю, бизда эса битта инсоннинг ўзига ҳам етмайди?

Нима учун уларда деҳқончиликдаги ҳосилдорлик, иш самараси, меҳнат унумдорлиги бизга нисбатан 4-8 карра кўпроқ?

Бу саволларга жавоб битта, деди йўлбошчимиз. Уларнинг ҳар кунлик ҳаёти фақат изланиш, тадбиркорлик ва ислоҳотчилик билан ўтади. Улар учун бу ҳолат одатга, ҳаёт мазмунига айланиб қолган. Улар фақат шунинг ҳисобидан тараққиётга эришмоқда, фаровон ҳаёт кечирмоқда.

Қани, энди ўзимизнинг ҳаётимизга, тажрибамизга эътибор берайлик, яъни зикр этилмиш нуқтаи назардан баҳо берайлик. Минг афсуски, ижобий жавоб бериш қийин.

Албатта, кейинги йилларда бизда ҳам ислоҳотларни жорий этиш, ҳаётимизни янгилаш, аввалambор дунёқарашимизни, тафаккуримизни ўзгартириш борасида катта қадамлар қўйилди. Буни инкор этиб бўлмайди. Лекин бугун очиқ, холисона тан олишимиз керак: ишимизда самара йўқ — аксинча, расмиятчилик, хўжакўрсинлик кўп.

Баъзида шундай бир тасаввур уйғонадики, олиб борилаётган ислоҳотлар аввалambор ўзимиз учун эмас, балки тепадаги Президент идораси, ҳукумат олдида шунчаки ҳисобот бериш учун бўлаётгандай.

Кўплаб соҳа, тармоқ, корхона ва хўжаликларда эса раҳбарлар ва жамоа ғафлат уйқусида ётганга ўхшайди.

Аксарият раҳбарларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимлари саёз. Улар ҳамон эскича, маъмурий-буйруқбозлик услубида иш юритмоқда. Бу ҳол жойларда ислоҳотларни ташкил этиш ва амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда, ислоҳотлар илдизига болта урмоқда.

Дарҳақиқат, юртбошимиз илгари ҳам такрор ва такрор таъкидлаганидек, ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, аввало инсон манфаатлари учун амалга оширилиши керак. Қилинаётган барча ишлар халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоғи лозим. Токи халқимиз мустақиллик неъматларидан ҳар қадамда баҳраманд бўлсин. Зеро, вилоят аҳлининг кундалик ҳаётий эҳтиёжларини қондириш масаласида ҳам қатор муаммолар мавжуд. Биринчи галда ана шу муаммоларнинг ечимини топиш зарур.

Тошкент вилояти мамлакатимизнинг аҳоли зич яшайдиган ҳудудларидан биридир. Бу эса ўз навбатида ортиқча иш кучи муаммосини келтириб чиқаради.

Биз ҳаммамиз яхши биламиз: кўпгина бошимизга тушаётган муаммолар, бало-қазолар, аввалambор энди вояга етаётган ёшларимиз, фарзандларимиз тақдирини оладиган бўлсак, ўзи кўпинча ишсизликдан бошланади, деди Президент. Бу муаммоларнинг ечими район марказларида, қишлоқларда кўплаб кичик ва ихчам саноат корхоналари, маиший хизмат тармоқларини барпо этишни тақозо этади.

Вилоятда йил давомида 35 минг янги ишчи ўринларини яратиш режалаштирилган эди. Аммо бу режа ҳозирги кунга қадар 72 фоиз бажарилган.

Вилоятда ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, ҳар йили 17 минг кишини қишлоқ хўжалиги соҳасидан озод қилиб, бошқа тармоқларга жалб қилиш кўзда тутилган эди. Лекин жорий йилда бу топшириқ бор-йўғи 18 фоиз бажарилди, холос.

Бундай муаммо билан узвий боғланган яна бир ўта муҳим, ҳаётимизни, эртанги кунимизни ҳал қилувчи масала — ёш авлодни ўқитиш, камол топтириш, уларни билимдон, юқори малакали мутахассислар, Ватанимизнинг муносиб фуқаролари қилиб вояга етказиш нақадар долзарб вазифа экани ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ деб ўйлайман.

Мамлакатимизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди ва уни босқичма-босқич амалга ошириш борасида муайян ишлар бошлаб юборилди.

Тошкент вилоятида бу муҳим соҳанинг аҳволи қандай?

Афсуски, бу саволга ижобий жавоб йўқ. Кичик ёшдаги болаларни боғчаларга жалб қилиш 21 фоизни ташкил этади. Кейинги йилларда янги боғчаларни очиш у ёқда турсин, 150 та боғча ёпиб қўйилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Мавжуд 893 та мактабнинг 44 таси авария ҳолатида, 420 таси мослаштирилган биноларга жойлаштирилган. Жорий йилда фойдаланишга топширилган 8 та мактабнинг жиҳозлар билан таъминланиш даражаси 34 фоизни ташкил қилади, холос. Қишлоқ мактабларида ўқитувчилар етишмайди. Буни қандай баҳолаш мумкин?

Миллий дастурга биноан, ҳар бир шаҳар, туман ҳокимлари ўз ҳудудларининг маҳаллий шароитларидан, ишлаб чиқариш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турли соҳалар бўйича касб-ҳунар коллежларини ташкил қилишлари лозим.

Афсуски, маҳаллий ҳокимларда изланувчанлик, ташаббускорлик етишмаяпти. Наҳотки, улар бу хайрли иш замирида ўз ҳудудларидаги ишлаб чиқаришнинг истиқболи, айниқса ёшларимизни касб-ҳунар билан, иш билан таъминлаш, бир сўз билан айтганда, минглаб ёшларимизнинг тақдири, келажаги мужассам эканини англаб етмаса?

Эътироф этиш жоизки, вилоятда сўнгги йилларда оналар ва болалар шифохонаси, Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон туманларидаги тиббиёт муассасалари ва вилоят бош шифохонаси қурилиши ҳамон битгани йўқ.

Аҳолини тоза сув билан таъминлашни яхшилашга ҳам эътиборни кучайтириш зарур. Бугун вилоятда ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 89 фоиз бўлгани ҳолда, айрим қишлоқларда бу муаммо ҳамон кескинлигича қолмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, вилоятнинг 241 та қишлоғига водопровод суви етиб бормаган.

Табиий газ билан таъминлаш вилоят бўйича 76 фоиз, қишлоқ жойларда эса 64 фоизни ташкил қилади. Бу кўрсаткич Оҳангарон туманида 25, Бўкада 28 фоиздан, Бекобод, Оққўрғон туманларида эса 50 фоиздан ошмайди.

Лекин, аҳвол шундай бўлишига қарамай, янги газ тармоқларини ишга тушириш топшириқлари Оққўрғон, Бўка туманларида атиги 40 фоизга бажарилган, холос.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ халқ хўжалигининг бу етакчи тармоғини тубдан ислоҳ қилишга юртбошимиз катта аҳамият бериб келмоқда. Шу мақсадда қатор қонунлар, қарорлар қабул қилинди ва уларни амалга ошириш услублари ишлаб чиқилди.

Қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келгани, фермер, деҳқон хўжалиги, ижара ва оила пудрати услубида иш олиб борилаётгани бунинг яққол далилидир. Кўзланган асосий мақсад ерни, мулкни ҳақиқий эгасига топшириб, ердан самарали фойдаланиш, лўнда қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигини даромад келтирадиган соҳага айлантиришдир.

Лекин, таассуфлар бўлсинким, Тошкент вилоятида бу соҳада амалга оширилаётган ишлар талабга жавоб бермайди.

Бир пайтлар Тошкент вилоятида ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан қатор йиллар пахтадан юқори ҳосил етиштирган, эл-юрт назарига тушган миришкор пахтакорлар, уларнинг шогирдлари, айтиш мумкинки, ўзига хос деҳқончилик мактаблари бор эди, деди Президент.

Нима, ҳозир Тошкент вилоятида ҳалол меҳнат қилаётган, юқори ҳосил етиштиришга интилаётган деҳқонлар йўқми? Улар бор, албатта! Лекин айрим раҳбарларнинг лоқайдлиги, масъулиятсизлиги оқибатида бундай фидойи деҳқонларимизнинг йўли очилмаяпти, меҳнати қадр топмаяпти, энг ачинарлиси, уларнинг ибратга молик тажрибалари назардан четда қолмоқда.

Ўтган йили вилоят пахтакорлари 258 минг тонна пахта етиштириб, шартнома топшириқларини аранг 92 фоизга етказган эдилар.

Бу йил эса аҳвол ундан ҳам ёмонлашди. Ҳосилдорлик 20 центнердан ҳам ошмади. Белгиланган режа 82,5 фоизни ташкил қилди, холос.

Афсусланадиган жойи шундаки, кўплаб туман ва хўжалик раҳбарлари деҳқонларнинг пешона тери билан етиштирган ҳосилини ўз вақтида, қор-қировли кунларга қолдирмасдан териб олишни етарли даражада ташкил қила олмадилар.

Оқибатда ҳосилнинг талай қисми далаларда қолиб кетди. Ҳосилнинг бор-йўғи 14 фоизи машиналар билан териб олинди. Мавжуд 1000 дан ортиқ машиналарнинг ярми ҳам ишламади.

Энг ёмони шуки, айрим туман ва хўжалик раҳбарлари мавжуд терим агрегатлари ва ишчи кучларидан фойдаланиш ўрнига, «қачон ўқувчилар, ёрдамчилар пахта теримига келади», деган боқимандалик кайфиятида юришди. Оқибати не бўлгани ҳозиргина айтиб ўтилди. Бу кайфиятга қачон чек қўйилади?

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, кейинги вақтда, тўғриироғи, бу йилдан бошлаб, вилоятда ғаллачиликка бўлган муносабат ижобий тарафга ўзгарди. Сувли ерларда ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан 9 центнерга ошди. Бунинг натижасида ғалла сотиш шартномаси 103 фоизга бажарилди.

Паркент, Қибрай, Зангиота ва Тошкент туманларида ҳосилдорлик 40 центнерга етди. Деҳқончиликда янги усулларни жорий этишнинг натижаси ўлароқ, бир қанча оилавий пудратчилар 50 центнердан ошириб хирмон кўтардилар.

Деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини уйғотиш, ердан тўғри ва самарали фойдаланиш, ерни эъзозлаш қандай самара беришини мана шу мисолда ҳам яққол кўриш мумкин.

Қишлоқ хўжалигидаги муаммолар ҳақида сўз юритар эканмиз, бу соҳадаги илмий муассасаларимиз, олимларимизнинг ишларига нисбатан жиддий эътирозларимизни рўй-рост айтишимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Вилоят ҳудудида жойлашган қатор илмий-текшириш институтларининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, айниқса, **ҳар бир ҳудуд иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда эртапишар ва серҳосил янги навларни яратиш ва деҳқонларимизга етказиб бериш борасидаги ишлар бизни мутлақо қониқтирмайди.**

Аччиқ бўлса ҳам айтишим керак: уруғшунос олимларимиз фаолиятида амалий ишдан кўра, қуруқ ваъзхонлик, ваъдабозлик устунлик қилмоқда.

Кейинги йилларда вилоятда чет эл инвестицияларини иқтисодиётга жалб этиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, четга маҳсулот экспорт қилиш борасида ҳам бирмунча яхши ишлар амалга оширилди. Ҳозирги вақтда вилоятда 105 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Биргина шу йилнинг ўзида вилоятга 43 миллион АҚШ доллари ҳажмида чет эл сармояси ётқизилди. Қўшма корхоналар томонидан 9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 41 миллион АҚШ доллари миқдоридаги рақобатбардош маҳсулотлар экспорт қилинди.

Маълумки, мамлакатимизнинг энг йирик саноат корхоналари шу вилоятда жойлашган, улар Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутади.

Йил давомида вилоят саноат корхоналарида 101 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва ўсиш суръати 105 фоизни ташкил қилди. 42 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бу ютуқлар мавжуд саноат корхоналарини замонавий, жаҳон андозаларига мос технологиялар билан жиҳозлашни йўлга қўйиш натижасида қўлга киритилди.

Ютуқларни холисона эътироф этиб ва тан олиб, вилоят истиқболини ўйлаган ҳолда, табиий бир саволга жавоб топишимиз керак, деди Президент.

Бугун Тошкент вилоятидаги барча саноат корхоналари ҳам тўла қувват билан ишлаяптими ёки йўқми? Бугун уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидорини топаяптими, бозор талабига жавоб берадими?

Вилоят саноат корхоналари фаолиятининг атрофлича таҳлили шуни кўрсатадики, улардаги мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 62 фоиздан ошмас экан. Кўряпсизки, қанчадан-қанча имкониятлар ишга солинмай ётибди!

Вилоятдаги 81 корхонада техника ва ишлаб чиқариш технологиялари эскирган бўлишига қарамай, 3 миллиард сўмликдан ортиқ янги замонавий ускуналар ўрнатилмаганига нима дейиш мумкин?

Корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари миқдори камаймаяпти. Молиявий хўжалик фаолияти ўрганилган 167 та корхонанинг 136 таси иқтисодий ночор экани аниқланди. 21 та корхона йилни қарийб 276 миллион сўм зарар билан якунламоқда.

Аҳолига маиший, пуллик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, уларнинг турларини кўпайтириш бўйича ҳам вилоятдаги мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Аҳоли жон бошига кўрсатилган маиший хизмат йилнинг ўтган даврида вилоят миқёсида 377 сўмга тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич Оҳангарон, Юқори Чирчиқ ва Пискент туманларида 80-140 сўмдан ортмади. Вилоят қишлоқларида бутун бир йил мобайнида атиги 60 та маиший хизмат шаҳобчаси ишга туширилиб, уларда 83 та ишчи ўрни ташкил этилган, холос.

Бу аҳволни қандай баҳолаш мумкин?

Ҳуқуқий-демократик, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, бунда қонунга, қонун устуворлигига ҳамма баробар итоат ва риоя қилишини таъминлаш масалаларига тўхталар экан, давлатимиз раҳбари қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратди.

Қонун олдида ҳар қандай мартабадаги раҳбар ҳам, оддий фуқаро ҳам тенгдир. Бунга амалда эришиш учун аҳолининг барча қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида ҳуқуқий билим, ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни ўстиришга алоҳида эътибор қилишимиз керак.

Вилоятда қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам қатор ижобий тадбирлар амалга оширилди.

Лекин, кўрилган чораларга қарамасдан, шу йилнинг ўтган даврида жиноятчилик 4 фоизга, оғир жиноятлар эса 3,5 фоизга кўпайган. 11 ой давомида 145 та қотиллик содир этилиб, улардан 18 таси ҳалигача очилмаган.

Жиноятлар кўпайиши асосан Бекобод, Оҳангарон, Олмалиқ шаҳарлари ҳамда Бўстонлиқ, Зангиота, Қуйи Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманларида кузатилмоқда.

Вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ўзлари томонидан жиноятлар содир этилиши ҳоллари учрамоқда. Бу масалани чуқур ўрганиш ва кескин чоралар кўриш талаб этилади.

Маълумки, Тошкент вилояти — мамлакатимизнинг чегара вилоятларидан бири. Бу ҳол бугунги кунда яна бир муаммони келтириб чиқармоқда. Сўнгги вақтларда ўзимизнинг ҳудуддан, ўз бозорларимиздан озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, гўшт, ёғ, нон, шакар, совун, болалар озуқаси каби зарур моллар кўп миқдорда четга олиб чиқиб кетилмоқда.

Бундай аҳволнинг асосий сабаби — қўшни мамлакатларда мана шу молларнинг нархи бизга нисбатан солиштирганда кескин кўтарилиб бораётганида. Баъзи молларнинг нархи биздагига нисбатан 2-3 баробар қиммат бўлгани учун, мўмай даромад кетидан қувган чаққон кимсалар, ўзимиздан чиққан олибсотарлар шундан фойдаланмоқда. Бу ҳаракатларнинг нимага олиб келишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Нарх нима учун ошади?

Содда қилиб айтганда, бозорда мол етишмовчилиги мавжуд бўлса, одамларнинг эҳтиёжини қондиришга етмаса, нарх-наво муқаррар равишда ошади. Мол кўпайса — нарх пасаяди, мол етишмаса — нарх ошади.

Шу муносабат билан бир саволга жавоб берайлик, деди Ислом Каримов. Хўш, бугунги вазиятдан фойдаланиб, ўзимиз учун зарур бўлган молларни четга олиб чиқаётган кимсалар ҳаром-ҳариш йўллар билан даромад топаяпти ҳам, дейлик. Лекин улар оқибатини ўйламайдими?

Халқимизнинг ризқи рўзи, насибаси ҳисобидан бундай ҳаром даромад топиш эртага бозорларимизда нарх-наво ўзгаришига сабаб бўлмайдими?!

Нопок йўл билан топилган бойлик бир кун тешиб чиқмайдими?!

Мавжуд вазиятни инобатга олиб, мен ҳокимлар ва маъмурий идораларнинг вакиллари олдида шу масалани қатъий қўймоқчиман. Қонун бўйича бу молларни мамлакатимиздан четга олиб чиқиш ман этилган. Бу нохуш ҳаракатларнинг олдини олишда аввало сизлар шахсан жавоб берасизлар. Агар эл-юрт насибасини қўриқлашга қурбингиз етмаса, жамоатчиликни, халқни ёрдамга чақириш керак.

Бу гапдан бошқа чегара вилоятлари ва туманларининг раҳбарлари, маъмурий идораларнинг ходимлари ҳам тегишли хулоса чиқариб олсинлар. Билиб қўйинглар, талаб қаттиқ бўлади.

Ҳар қайси давлат, ҳар қайси раҳбар аввало ўз халқини ўйлаши, унинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириши керак.

Самарқанд, Навоий вилоятларида раҳбарлик курсисида ўтирганлар томонидан адолат мезонларининг бузилиши, раҳбар деган номга доғ тушириш каби содир этилган нохуш ҳолатлардан мамлакатимиз аҳли хабардор, албатта.

Бундай ҳолатларни ўз вақтида пайқаб, аниқлаб, пайи қирқилмаса, ёмон оқибатларга олиб келиши муқаррардир.

Хўш, қариндош-уруғчилик, гуруҳбозлик, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш каби иллатлар бошқа жойларда, жумладан, Тошкент вилоятида учрамайдими?

Шундай қусурлари учун бундан бир йил муқаддам вилоят ҳокимининг айрим ўринбосарлари ва бир-иккита туман ҳокимлари ёш, ана шундай иллатлардан ҳоли бўлган кадрларга алмаштирилганди. Қолган раҳбарлар бундан ўзига керакли хулоса чиқариб олиши лозим эди.

Афсуски, ҳамма ҳам бундан тўғри сабоқ чиқара олмади. Шу йилнинг май ойида вилоят ҳокимининг ўринбосари — иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси бошлиғи Б. Ҳосилов, молия бошқармасининг бошлиғи С. Тошхўжаев ва бошқалар хизмат мансабларини суиистеъмол қилиб, жиноят содир этдилар.

Энди улар тегишли жойларда қилган номаъқулчиликлари учун қонун олдида жавоб бермоқдалар.

Босар-тусарини билмай қолган айрим ноқобил раҳбарлар ҳар қандай номаъқулчиликнинг ҳам чегараси ва жавобгарлиги борлиги муқаррар эканини унутмаслиги даркор.

Албатта, биз ҳокимларнинг қариндошлари раҳбарлик лавозимларида ишлаши мумкин эмас, деган фикрдан йироқмиз, деди Президент. Улар орасида ўзининг юқори мартабали қариндошини пеш қилмасдан, тинч ва ҳалол меҳнат қилаётган кишилар оз эмас. **Лекин ҳоким бўлиб келгандан кейин, ўз жойида туппа-тузук ишлаб турган раҳбарни бўшатиб, ўрнига ўзининг қариндошини ёки оғайнисини тиқиштираётган кимсалар билан асло чиқиша олмаслигимизни яна бир марта кескин таъкидламоқчиман.**

Афсуски, Тошкент вилоятининг айрим туман, шаҳарларида ҳам қариндош-уруғчиликка берилиш каби иллатлар мавжуд. Яқинда юқори ташкилотлар аралашувидан кейин Бекобод шаҳар ҳокими Ж. Насриддинов 3 нафар қариндошини раҳбарлик лавозимига тайинлашда йўл қўйган хатосини ўз қўли билан тузатишга мажбур бўлди.

Самарқанд, Навоий вилоятлари сессияларида айтиб ўтилган иллатлар оқибати, бугун келтириб ўтилган мисоллар ҳар бир раҳбар ходим учун сабоқ бўлиши керак.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб сизларнинг эътиборингизни яна бир ғалати одатимизга қаратмоқчиман, деди Ислом Каримов.

Кўпинча эшитиб қоламан: у ёқда тўй бўлибди, бу ёқда тўй бўлибди. Ҳа, нима бўлибди денг, фалон раҳбарнинг қизи анави каттаконнинг ўғлига тегибди, фалон вазирнинг ўғли анави амалдорнинг қизига уйланибди, анави ҳокимнинг ўғли манави прокурорнинг қизига кўнгил қўйибди ва ҳоказо.

Албатта, ҳар қайси ота-она ўз фарзандларининг бахтини, иқболини кўришни истайди. Ёшларнинг бир-бирига муҳаббат қўйиши, кўнглидаги ёрини топиши, севишиб турмуш қуриши ҳам табиий ҳол, албатта. Бу — ҳаёт. Бу масалада ҳеч ким четдан туриб ҳукм ўтказолмайди, ишқ-муҳаббатни режалаштириб ҳам бўлмайди.

Лекин бир савол пайдо бўлмоқда. Бир қарашда тасодифий бўлиб туюлаётган бундай воқеалар, мисоллар сони кўпайиб, улар одатга айланиб кетмаяптими? Нима учун шу вазирнинг ўғли, айтайлик, оддий деҳқон қизига кўнгил боғлаб, унинг муҳаббати алангасида ёнмас экан?

Ёки нега ҳокимнинг қизи оддий бир оиладан чиққан, ақлли-ҳушли, одобли, ўқимишли полвон йигитга кўнгил қўймас экан?

Бундоқ ўйлаб кўрилса, бу ерда бир сиру синоат бордирки, балки биз ундан бехабар қолгандирмиз?

Балки буни тушуниш учун анчамунча бош қотириш лозимдир?

Бу ҳақда, аввало, биз — ота-оналар ўйлашимиз керак. Халқимиз — меҳрли-оқибатли халқ. Модомики шундай экан, меҳр билан биргаликда оқибатни ҳам унутмаслик керак.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан жуда кўплаб келаётган хатлар ва хабарлардан маълум бўлмоқдаки, халқимиз Самарқанд ва Навоий вилоятлари Кенгашлари сессиясида билдирилган кескин танқидий фикрларга батамом хайрихоҳлик билан қарамоқда. Салбий ҳолатларга ўз вақтида тегишли баҳо бериб, кадрларни тўғри танлаб олиш юзасидан белгиланган муайян тадбирларимизни қўллаб-қувватламоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Давлат идоралари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш йўли билан мавжуд иллатларни йўқ этиш мақсадимиз миллионлаб ватандошларимизнинг қалбига бориб етди, уларга қанот бағишлади, деб айтсак асло муболаға бўлмас.

Жамоат назоратининг туб моҳияти шулким, барча жамоат ташкилотлари, маҳалла оқсоқоллари, халқ депутатлари ва фаоллар, борингки, ёшу кекса, эркагу аёл — ҳамма ватандошлар бир ёқадан бош чиқариб, амалга оширилаётган ислоҳотлар суръатини, уларнинг сифатини, ислоҳот бошида турган раҳбарларнинг ғайратини, лаёқатини холисона ўрганиб, холисона назорат қилиб, уларнинг ютуқларини эътироф этиб, камчиликларини рўй-рост очиб ташлашимиз керак.

Келажакда давлат органларининг айрим ваколатларини босқичма-босқич, аста-секинлик билан нодавлат ташкилотларга, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига бериб бориш лозимлигини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатмоқда.

Шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, Олий Мажлиснинг яқинда бўладиган сессиясига «Ноҳукумат ташкилотлари тўғрисида»ги ва янги таҳрирдаги «Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаси муҳокамага киритилди.

Бугун ҳаётнинг ўзи жамоатчилик ташкилотларининг нафақат назорат қилиш вазифасини кучайтириш, балки уларнинг ваколат ва ҳуқуқларини янада кенгайтиришни талаб қилмоқда. Мана шу йўл билан биз демократик қарашлар ва тафаккуримизни шакллантиришга эришамиз. Буни барчамиз яхши англаб олмоғимиз даркор.

Бу ишларни амалга оширишда жамоатчилик билан бир қаторда оммавий ахборот воситаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ҳаётимизда содир бўлаётган салбий ҳолатларни очиб ташлашда, уларга қарши курашишда журналистларимизнинг қатъий ва муросасиз бўлишлари талаб этилади. Одамларимизнинг ҳуқуқий билимларини оширишда, қабул қилинаётган қонунларни, ҳукумат қарорлари моҳиятини кенг оммага тарғиб қилишда улар янада фаол бўлишлари лозим, дея таъкидлади Президент.

Яна бир муҳим масала — аёлларимизнинг сиёсий ва ижтимоий мавқеини янада юксалтириш, уларнинг обрў-эътиборини, иззат-икромини жой-жойига қўйишдир.

Ҳадисларда «Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қилади. Уларни фақат пасткаш одам хўрлайди» деб бежизга айтилмаган. Аёлларни иззат-икром қилиш, улуғлаш, ардоқлаш, оғирини енгил қилиш — ота-боболаримиздан қолган муқаддас удумдир.

Биз бугун шу қутлуғ удумни давом эттириб, меҳру муҳаббат ва нафосат тимсоли бўлмиш оналаримизнинг, жуфту ҳалолларимизнинг, опа-сингилларимизнинг, бир-биридан гўзал оқила қизларимизнинг жамият ва оиладаги ўринларини, мавқеларини янада юксалтиришни ният қилиб, келгуси йилни «Аёллар йили» деб эълон қилдик, деди йўлбошчимиз.

Оллоҳ уларни шундай яратмишким, аёллар ўз ақлу идроки, меҳрибонлиги, шафқату оқибати, сабру қаноати билан ҳаммамизга ибрат бўлиб, оиладаги, жамиятдаги, борингки, бутун дунёдаги мувозанатни сақлаб турадилар.

Модомики шундай экан, аёлни улуғламоқ — оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир. Бу ҳақиқат ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, барча хайрли ишларимизнинг мезонига айланиши даркор.

Тошкент вилоятининг мамлакатимизда тутган ўрни салмоқлидир. Бу ҳол вилоят аҳлининг, вилоят раҳбариятининг, хусусан, бугун сайлаб ва тасдиқлаб олинадиган янги ҳокимнинг зиммасига алоҳида масъулият юклаши табиийдир.

Тошкент вилояти аҳли олдида турган ижтимоий-иқтисодий соҳаларда бажарилиши лозим бўлган катта вазифалар ҳали жуда кўп. Вилоят аҳли бағри кенг, қалби қайноқ, ғурурли ва адолатли халқдир, деди Президент пировардида. Унинг меҳнатсеварлиги, шижоати ва ғайратини биз жуда яхши биламиз. Катта бунёдкорлик ишларини амалга оширишга ишонамиз.

Бугун биз ютуқлар ҳақида эмас, мавжуд нуқсонлар ва муаммолар тўғрисида кўпроқ гапирдик. Айтилган танқидий фикр-мулоҳазалардан тўғри хулоса чиқариб, аҳиллик билан, бир ёқадан бош чиқариб, сидқидилдан меҳнат қилиб, ишни замон талаблари даражасида ташкил этилса, вилоятнинг илгариги юксак шуҳрати қайта тикланишига ва бу вилоятнинг бошқа ҳудудлар учун ибрат бўлишига ишончим комил.

(ЎзА)

Қорақалпоғистон Республикаси партия кенгаши пленуми

Нукус. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Республика партия ташкилотининг мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд, Навоий вилоятлари Кенгашлари навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XVIII пленумининг мамлакатдаги туб ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштириш вазифалари тўғрисидаги қарорининг бажарилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика кенгашининг иккинчи котиби Э. Хошанов маъруза қилди.

Шунингдек, пленумда ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика ташкилотининг Орол фожиаси салбий таъсирини бартараф қилишдаги иштирокини янада жадаллаштириш вазифалари ҳақидаги ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика кенгашининг XV пленуми қарорининг бажарилиши тўғрисидаги масала кўрилди. Бу ҳақда ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика кенгашининг биринчи котиби А. Асанов маъруза қилди.

Пленум ишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси Т. Камолов қатнашди ва шу кунги кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалар ҳақида гапирди.

Пленумда муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Пленум ишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси А. Тажиев қатнашди.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Адиб ёшлар даврасида

Тошкентдаги Навоий номли республика нафис санъат лицейида қизиқарли учрашув бўлди. Севимли адиб, Олий Мажлис депутати Пиримқул Қодиров ёшлар даврасида суҳбат қурди. Ёзувчи таваллудининг 70 йиллигига бағишланган ўзига хос даврада адабиётшунос Умарали Норматов, шоир Муҳаммад Юсуф, халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ва бошқалар иштирок этди. Адиб бу учрашувда ўзининг ижодий йўли, ҳаёти, ҳар бир асарларининг юзага келиши ҳақида мароқ билан сўзлади. Ёшларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Аслиддин СУЮНОВ

Расмий ташриф билан

23-24 декабрь кунлари Украина Президенти Леонид Кучма Туркманистонга расмий ташриф билан келади. Бу ҳақда Сапармурод Ниё

Генерал Пиночетнинг «жасорати» ва

Чилининг собиқ ҳарбий давлат бошлиғи Аугусто Пиночетни дунёдаги энг бахтли, шу билан бирга энг бахтсиз инсонлардан дейиш мумкин.

Пиночет ўйлаб ўтирмасдан юртидаги мавжуд бўлган тузумга, ҳокимиятга қарши исён кўтариб, уни зўравонлик билан ағдариб ташлади. Минглаб инсонлар устидан ҳукмронлик бир киши қўлига ўтди, уларнинг яшаш ва ёки қолиш масаласи диктаторнинг биргина имоси билан ҳал этиладиган бўлди.

Кўҳна Мисрнинг шавкатли Фиръавнлари ўз замонларида қанчалар илоҳийлаштирилган бўлса, «Чили халқлари отаси» ҳам шу даражада улуғланди.

Ўн минглаб инсонлар қуёш нуридан бенасиб ҳолда, хазонга айланган чечак сингари, ўз умрларини бу «ҳайратомуз» сиймо соясида алам ва хорлик билан яшаб ўтдилар. Жамиятда Шахс ва Шахслар эрки, ҳуқуқлари кескин даражада чекланди. Барча ҳуқуқ ва эркларни ЯГОНА ҲУҚУҚ, ЯГОНА ЭРК — Генерал Аугусто Пиночет номи эгаллади. Ёлғиз диктаторнинг хоҳиш-истакларига мувофиқ келадиган хоҳиш-истакчаларгагина Чили заминида озодлик бор эди. Қолган барча нарсалар, шу жумладан Халқ деб аталмиш улуғ бир куч ҳам Пиночет олдида арзимас матоҳга айланди.

Унга итоаткор қуллар сингари бўйсунишарди, Чилининг пайғамбари ҳам, қозиси ҳам, жаллоди ҳам том маънода ўзи эди.

У ўзини барча хатти-ҳаракатларини Чилида осойишта сиёсий-ижтимоий муҳит яратиш, мамлакатни тараққиёт йўлига олиб чиқиш ва ўз халқига фаровон ҳаёт ҳадя этиш сингари «олижаноб мақсад»ларни кўзлаб амалга оширди. Бу мақсадлар унинг қаттиққўллиги, шафқатсизлиги, диктаторлиги билан қўшилиб чилиликлар кўзи ўнгида ҳақиқий «мўъжиза»лар ярата бошлади ва энг азиз тушунча саналмиш имон-эътиқод тимсоли сифатида улар ҳаётининг ажралмас бир парчасини ташкил этди.

Сальвадор Альендени тахтдан ағдариб ташлаган давридан (1973й.) бошлаб 17 йил давомида Пиночет ўз тарафдорлари билан бошқарув ва жамиятнинг барча қатламларини «ҳарбийлаштирди». Бу сиёсатга мухолиф бўлганлар ё қувғин қилинди, ё ҳарбийларга хос хотиржамлик ва лоқайдлик билан сўроқсиз отиб ташланди. Диктатор Генерал Пиночет гуноҳкор ва бегуноҳ кишиларнинг саноқсиз жасадлари оша бахтли ва ёркин келажак сари интилди. Бу келажак қандай оқибатларга олиб келишидан қатъи назар, унга етишиш учун барча нарсани қурбон келтирди. Юз минглаб инсонлар унга лаънатлар ёғдираётган бир пайтда миллионлаб инсонлар учун сиймоси қаршисида таажжуб ва кўркувдан тош қотдилар, тиллар фақат Пиночетни деб айланди.

Унга нисбатан муносабатлардаги қарама-қаршилик ҳам, қарангки, вақт ўтиши билан кучайиб бормоқда. Чунончи, Испания ҳукумати, Жанубий Америкадаги бир қатор Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари кекса диктаторни қилган жиноятлари учун жазолашни Англия ҳуқуқ-тартибот идораларидан қаттиқ туриб талаб қилаётган бўлса, Пиночетни ҳибсга олган Англия полицияси унга нисбатан бирон чора кўришга иккиланиб қолди. Негаки, Англия сиёсий доираларида Пиночет масаласида бўлиниш юз берди. Кимсан Маргарет Тетчер сингари замон сиёсатдонлари диктаторни ёқлаб чиққанди. Бугун ҳам бу муносабат давом этмоқда.

Пиночет ва унинг тарафдорлари Чилида ҳамон катта мавқега эга. Сенатдаги деярли тўрт ўриндан бири қонунга кўра ҳарбийларга тегишли. Ҳукумат ҳар қандай вазиятда ҳарбийларга бўйсунади. Ажабланарлиси, Чили Конституциясига мувофиқ Чили Президенти Бош ҳарбий қўмондонни ўз вазифасидан озод қилиш ваколатига эга эмас. Ҳатто Пиночет давлат тўнтариши уюштирган 11 сентябрни бутун чилиликлар миллий байрам сифатида нишонлаб келдилар.

Пиночетнинг диктаторлиги Чилидан бозор иқтисоди муносабатларини шу минтақадаги бошқа давлатларга қараганда юз йил олдин бошлаб берди. Кузатувчилар кучли ҳарбий ҳокимият бир томондан халқда ўз ҳукумати ва мамлакати қудратига нисбатан ғурур ва ифтихорнинг шаклланишига, бошқа томондан мамлакатда шахслар, умуман инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда оёқ ости қилинишига олиб келганлигини таъкидлашади.

Генерал Пиночет деярли барча мақсадларини амалга оширди: чеклланмаган ҳокимият ва ваколатларга эришди. Чили халқлари «отаси»га айланди. Ниҳоят, ўз умрини яшаб бўлаётган салтанатини сақлаб қолиш учун унинг шаклини ислоҳ қилишга қарор бериб, ҳокимиятни демократик кучларга топширди ҳам. Бироқ Чили халқи ҳамон «фаровон ҳаёт» илинжида келажакка умид кўзи билан термулиб яшамоқда. Фаровон ҳаёт ато этувчи келажакдан эса дарак йўқ.

1996 йилги ўтказилган сўровлар натижасига кўра сўралганларнинг 1,7 фоизи юқори, 59,4 фоизи ўрта, 38,4 фоизи қуйи табақа вакиллари ҳисобланган. Ўзини гадо деб ҳисобловчиларнинг 56 фоизида 2 тадан рангли телевизор, 53 фоизида музлатгич, 50 фоизида автомат кир ювиш машинаси мавжуд.

72 фоиз чилилик ота-оналар ўз фарзандларининг келажакда катта муваффақиятга эришиши учун кўпроқ имкониятларга эга бўлишига умид билдирса, 60 фоиз ота-оналар ўз аждодлари худди шундай имкониятларга эга бўлганлигини таъкидлашган.

Тадқиқотлар хулосасига кўра умумий аҳолининг 9,4 фоизи юқори, 20,9 фоизи юқори ўрта, 36,2 фоизи қуйи ўрта, 31,2 фоизи қуйи табақага мансублиги аниқланган.

Чили ҳукумати расмийлари эса барча кўрсаткичларни рад этиб, 1987 йилдан буён қашшоқлик даражасининг 36 дан 24 фоизгача пасайганлигини айтишмоқда.

Пиночет ва Чилининг сўнгги 20 йиллик тақдири ҳақида сўз юритганда нафрат ва муҳаббат, ўлим ва ҳаёт, тараққиёт ва инқироз тушунчалари ёнма-ён ифода этилади.

Зафар ОМОН,
сиёсий шарҳловчи

ДУНЁ ДАРЧАСИ

КЕЧА, БУГУН, КЕЛАЖАК



Ишонч ёрлиғи топширилди

15 декабрь куни Москвада Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси И. Шоисломов Россия Федерацияси Президенти Б. Ельцинга ишонч ёрлиғини топширди.

Ёрлиқ топшириш маросимидан сўнг ўзбек дипломати билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Б. Ельцин Россия — Ўзбекистон муносабатларида эришилган даражага юқори баҳо берди, янги 1999 йил арафасида Ўзбекистон халқига ўзининг илиқ табриги ва эзгу тилакларини йўллади.

«Жаҳон» АА

Текширувчилар Ироқни тарк этишмоқда

Бир ҳафта аввал Ироқдаги ҳарбий объектларни текшириш учун жўнатилган БМТ харбий комиссияси ходимлари мамлакатни тарк этишмоқда. БМТ вакилларининг сўзларига қараганда, текширувлар умуман олганда муваффақиятли ўтган. Гарчи инспекторлар Басс ҳукмрон партиясининг Бағдоддаги объектларини текширишга бироз муддат қўйилмаган бўлса-да, бу иш қониқарли амалга оширилди. Яқин кунлар ичида БМТ ҳарбий комиссиясининг раҳбари Ричард Батлер Хавфсизлик Кенгашига Ироқ БМТ билан қуролланишт масаласида қай даражада ҳамкорлик қилганлиги ҳақида ҳисобот беради. Ироққа нисбатан қўлланилаётган халқаро санкцияларни бекор қилиш масаласи ана шу ҳисоботга кўп жиҳатдан боғлиқ.

XX аср қотили

Житомир олий судининг кириш эшигига мовий рангда, бежирим ҳуснихат билан лўндагина қилиб, эълон ёзилган: «Ҳурматли фуқаролар! Ҳукмингизга 52 та жиноий иш бўйича айбланувчи Оноприенко қотилликлари хусусидаги очиқ суҳбатни ҳавола этамиз. Тингловчиларни келгуси душанба, соат 11да таклиф этамиз». Қуйироқда бўлса яна қалам билан илова қилиб: «Ҳамма чипталар сотилган» деб ёзиб қўйилган. Шу ёзувларнинг ўзиёқ «XX асрнинг энг даҳшатли қотили» нақадар оғир жиноятчи эканини изоҳлаб турибди. Ҳатто Чернобиль АЭСдаги ҳалокат, газеталарда тинмай ёзилган Закарпатье фожиаси ёйинки, ўқитувчилар иш ташлаши, Украина бўйлаб шов-шув билан давом этган Шура шоу-сехргарлик чиқишларидаям Украинага бунчалик сон-саноқсиз хорижий мухбирлар оқими ёпирилиб келмаганди.

Анатолий Оноприенконинг туркум қотилликлари характер кўламининг нақадар кенглигига кўра Франс-Пресс бу иш бўйича хит парадни бошқариб, «Европада кейинги 200 йил ичидаги энг ёвуз қотил» дея таъкидлади. У ҳақида ҳатто узоқ кутилган воқеа — Украинанинг Европа Иттифоқига киришига гов бўлади, Кучманинг Президент бўлишига тўғаноқ бўлиши мумкин, деган фикр мулоҳазалар, миш-мишлар ҳам юрарди. Бундай кетишини истамагани ҳамда, у истаган манзилга ола кетмагани учун бутун бошли оилани ер тишлатиб қўя қолганди.

Оноприенко Киев вилоятида эса бир эркак, аёл ҳамда қизчасини сузма, спортчи костюм ҳамда красовка учун ваҳшийларча ўлдирганди. Яна бир бундан-да даҳшатли манзара Львов вилоятининг Браткович қишлоғида рўй берганди. Бу ерда вос-вос қотил ўлдирган одамлар сони Ватан уруши даврида қурбон бўлганлардан ҳам ортиб кетди. Олдинига у кўчада илк йўлиққан одамни «пулдан чиқар» деган талабига мийиғида кулгани учун шартта отиб ташлади. У ўзининг ҳар бир қотиллик тарихини миридан-сиригача ёдаки хотирлайди, тергов жараёнида батафсил сўзлаб беради. «24-25 декабрда Малинга келдим. Эътиборимни яқиндагина қурилган уй ўзига тортди, Дераза ларга ҳали тўсиқ ёки дарпарда ҳам осиб улгуришмаган. Шунданам хоналарниям, хонадондагиларни бемалол ташқаридан кўриш мумкин. Кўриниб турибди яқиндагина кўчиб келишган. Мен бир чеккада турган «эшак»ни (оёқ остига қўйиладиган) астагина дераза тагига олиб келдим. Ким қайси хонада ётишини яхшилаб кузатдим. Кутдим, қачонки ҳамма уйқуга ётгач уйга кирдим. Олдин уй хўжайинини тинчитдим. Кейин ўғил болани гумдон қилишга тўғри келди. Аёл бўлса аввалига ёлворди: «Отма». Мен бақирдим: «Пулдан чиқар!» Кейин аёлнинг бўйнига ўхшатиб туширдим, дарров жон берди. Тилла узук, сирға, болаларнинг уст-бошларини олдим». У яна уч ойлик гўдакни шовқинсиз ёстиқ билан дамини қайтариб, бўғиб ўлдирди. Буваси уни кароватчасининг ортидан топди. Жиноятчи «янчилган хонадон»дан қўлига ила кетган шампан виносини электричкада навбатдаги манзилга кета туриб, қиттак-қиттак қилиб эрмак қила кетди.

1996 йилнинг 26 февралида ваҳший жиноятчи яна шу Малин районида Бондарчуков оиласини шафқатсизларча қириб ташлади. «Чироқлар ўчиб, оёқ товуши тинишини пойлаб ўтирдим. Ҳамма ётди. Аста бориб деразани тақиллатдим. Эркак киши бамайлихотир йўлакка чиқди. Дераза ойнасини болта билан синдирдим. Эркак ичкарига қараб қочди. Индамадим. Сал ўтмай «тинчиди», деб яна қўрқа-писа ҳовлига чиқди. Писиб, пойлаб турган жойимдан чиқиб бошига уриб мажақладим шилқ йиқилди. Айвонга югуриб чиққан хотини воқеани ғира-шира англади шекилли эшикни ёпиб олди. Кейин сўради: «Эрим қани?» «У ёқда, ҳовлида», дедим. Аёл ошхонага чиққанди «тўсдим», тезда жон берди. Болалар бўлса ётоқхонасида пиш-пиш ухлашарди. Аввал ўғлининг бошига туширдим, кейин қизчани «гум» қилдим. Ўғил боласи дод солиб йиғлади, ундан... «фойдаланганимда»...

Житомирлик вос-вос жаллод 20 дан ортиқ ана шундай босқинчилик қилди. Одесса, Житомир, Днепропетровск, Львов, Запорожье, Ровенск, Киев вилояти бўйлаб бегуноҳ одамларнинг қонини тўкаверди. Ўлдирганлари, ўзининг айтишича: Украинада, бир қараб кўринг-а картага, ўлганларнинг манзилини чизиқ бўйлаб бирлаштирсангиз, крест-хоч шаклланади».

Дарвоқе, ўлим — қотиллик тактикасида яна бир «заҳирадаги» назарияси ҳам бор. «Инсон вафот этгач одамлар марҳумни ёдлаб 9, 40 кунлик қилишади. Бу бежиз эмас-ку. Дастлаб мен 9 одамни ўлдирдим. Кейин 40 тасини. Шуларни бир йилга тақсимладим, шундай қилиб менга яна 300 та одамни ўлдиришга тўғри келар экан...»

Уни биринчи қотилликни содир этгач орадан етти йил ўтгачгина ушлашди. Бу қотиллик тасодифий қуюшқонга сиғмайдиган фараз ва қарашлар «Оноприенко иши»ни жаҳон жамоатчилиги орасида катта шов-шувларга сабаб бўладиган воқеа даражасига олиб чиқди. Бизга маълум манбалардан олинган хабарларга қараганда, қатор-қатор жиноятлар содир этган бу кимса бугун ё эрта маҳаллий адвокат Руслан Мошковскийнинг ҳимоясини рад этади ва ўз навбатида у Москвадан махсус адвокат олишни талаб қилади. Унинг бўлғучи адвокати 50 ёшдан ошган, камида 20 йиллик ҳуқуқий тажрибага эга ҳамда яҳудий миллатига мансуб бўлиши шарт. Яҳудий бўлишининг боиси шуки, Оноприенко бу билан яҳудий олегарларининг (ўртамиёна бўлмаган, ўзгалардан устувор одамлар керак деган ғоядаги) диққат-эътиборини ўзига жалб этишдир. Унинг ўзига ўта ишонч билан қотилликлари хусусида айтишича: «Ўйин эндигина бошланди» деб таъкидлайди. Бошқалар эса қотилнинг шафқатсиз жиноятларига ва ниҳоят барҳам берилади, дея умид қилишмоқда.

«Яна 300та одамни ўлдириш қолди»

Илмий жиҳатдан олиб қараганда қотиллар тўрт хилда бўлади: хаёлий ҳис туйғуларга берилган қотиллар, қасддан қотиллик, ҳунрезликдан иборат жиноят, ҳамда ҳокимият учун қотиллик содир этишдир.

Лекин Анатолий Оногриенко бу «туркум»ларнинг бирортасига кирмайди. Айтайлик, Фастовдаги жиноий ишини олайлик. Ўшанда у йўловчи машинанинг ҳайдовчиси хотини ва икки нафар ёш боласи билан «бемалол гурунглашиб» бўлганди. Телбанома жиноятчини қидирув ишлари ва тутиш учун милиция, ички қўшинлар, СБУ ходимларидан 100.000 нафар хизматчи махсус ажратилганди.

Львов вилоятининг Яворов шаҳри участка инспекторига маҳаллий аҳоли қандайдир шубҳали, кўздан панароққа яширинишга уринаётган кимса тез-тез учраётганини хабар қилишди. «Пақир киши панада» бўлишга уринаётган айнан шу Оноприенко эди. У зўр бериб милициянинг назарига тушмасдан бўлса-да, майдонда уларга оғриқ қолдирувчи суюқлик сепиб қўйилади, холос, бечора футболчи яна ўйинни давом эттираверади.

Англия футбол федерацияси раҳбарияти бу тадқиқотни қайтадан ўтказишни талаб қилмоқда. Агар АҚШ ва Нидерландия олимларининг хулосалари тасдиқланса, футбол қоидаларига бош билан ўйнашни тақиқловчи пункт киритилади.

Болалар уйидан қочли ўч

Табиийки мурғаккина Анатолий онасидан эрта айрилгач, мунғайиб қолди. Отаси оиласини, уларни ташлаб қочди. Шундан кейин уни бувиси билан акаси болалар уйига элтиб ташлашди. Оноприенконинг болалар уйида бирга тарбияланган бир таниши билан бирга қотилнинг «юртини» излашга тўғри келди. Ласки қишлоғи. У ўша қишлоқни, болалигини шундай эслайди: «Ҳеч қорнимиз тўйиб овқат емасдик. Доим чўнтагимда ўғирланган нон, томорқалардан ўмарилган бодринг, помидор бўларди. Ҳаммадан нам жуда алам қиладигани тарбиячиларимиз бизга ўғирлик қилма, дерди-ю ўзлари кўз олдимизда ҳамма нарсани ўмаришарди. Ўн сўм учун ёнидагини сотар, бир шиша вино учун муштлашишарди...» Кейин Анотолий техникумда ўқиди. Армияда артиллериячи бўлиб хизматини ўтади. Одесса денгизчилар мактабида 3 ойча (!) 9, 10-11 синф дастурини чала-чулпа тугатгунча, «Максим Горький» кемаси билан ер шарини икки карра айланиб чиқишга улгурди. У сафардан қайтганида Христ ва Рио-де Жанейрода кўрганларидан чексиз ҳаяжон ва ҳайратланганди. КПСС сафига кирди. Акасининг «ВАЗ-21011» автомашинасини сотиб олди. Дунёга машҳур йог Шивра Дэнди таълимотини ўқиди. Икки марта ўғирлик учун Австрия ва Германиядан қувғин қилинди. Греция, Канада ва Испаниядан сиёсий бошпана сўради. Шундан сўнг у одам ўлдиришдек мудҳиш ишларини бошлаб юборди.

... Украина Европа Иттифоқига киргач, Леонид Кучма ўтган йили 81 марта ўлим жазосига тортилиб «ўлмаган» жиноятчини яна ўлим жазосига маҳкум этилишини маълум қилганди. Ўша кунларда халқ яқинлашаётган сайлов олдидан қаттиқ ташвишга тушиб қолди. Украина Президенти эса: «Анатолий Оноприенкога ўхшаш шафқатсиз жиноятлар содир этган кимса фақат ва фақат ўлим жазосига лойиқдир», — деди. Баъзи умидсизланган одамлар бу ваъдага қўл силтаб, «хомхаёл» гап дея қўлини ювиб қўлтиққа уриб қўя қолди. Лекин ўша кез «ноинсонпарварлик» рўй бераётган мамлакатни» кўп нарсадан маҳрум этишга уринаётган баъзи Европа иттифоқидагилар дарҳол бу воқеага қизиқсиниб кузата бошлашди.

«Сен бу билан нимага эришмоқчи эдинг?» сўрашди тергов чоғида ундан.

«Одамларнинг нақадар ожизлигини исботламоқчи эдим», деди истеҳзо аралаш қилиб XX асрнинг машъум қотили.

Истади — исбот қилди...

Ольга КОСТЕНКО,
Житомир-Москва
«Аргументы и факты» ҳафталигидан таржима



Москва. Қрим кўприги.

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

«Калла уриш» таъқиқланса-я!

АҚШ ва нидерландиялик бир гуруҳ олимлар шифокорларни моҳир футболчиларга ёрдам қўлини чўзишга чақирмоқда. Гап шундаки, яхши ўйинчиларнинг кўпчилиги бошидан жароҳат олаверіб, ёши 50 дан ошгач, ногирон бўлиб қолишяпти. Уларда бундай жиддий жароҳат белгилари ёшлигиданоқ кўзга ташланади, яъни тўпни калла билан уриш бунга сабабдир. Калифорния университетининг нейрохирурги, доктор Барри Жорданнинг таъкидлашича, спортнинг бошқа тури бўйича шуғулланаётганларга қараганда профессионал футболчиларда хотира сусайиши, ўз ҳаракат йўналишини тўғри ва аниқ белгилай олмаслиги, ҳатто яқин танишини ҳам таний олмаслик сингари касаллик белгилари кўпроқ учрар экан. Буларнинг барига сабаб юқорида айтилганидек, калла билан тўп уришдир.

Голландиянинг 45 футболчиси ҳаётида кузатилган 5 йиллик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, айниқса, ҳужумчилар ва мудофада турганлар кўпроқ шикастланишар, ҳатто уларда тез-тез хушдан кетиб туриш ҳоллари ҳам кузатилган. Аслида жуда қаттиқ зарб билан тепилган тўпни бош билан қайтариш автоҳалокатга учраш билан баробардир. Бироқ шундай бўлса-да, футболчилар ўйинни давом эттиравераверади.

Англия футбол федерацияси раҳбарияти бу тадқиқотни қайтадан ўтказишни талаб қилмоқда. Агар АҚШ ва Нидерландия олимларининг хулосалари тасдиқланса, футбол қоидаларига бош билан ўйнашни тақиқловчи пункт киритилади.

Хоҳловчилар топилмаяпти

Бруней султони буюртмасига биноан Сингапур касалхоналаридан бири жуда ҳашаматли қилиб таъмирланди. Барча буюмлар, ҳатто ҳожатхона ҳам соф чинни ва олтиндан қилинди. Эшик ва дераза тутқичлари эса мамонтнинг дандон тишларидан ясалди. Ерга эса форсликларнинг қўлда тўқилган гилами тўшалди. Хизматкор ва дўхтирларни чақирадиган тугмачалар ҳам олтиндан. Озиқ-овқатлар Хитойнинг қадимги соф чинниларида келтирилади. Бемор фақат ётиб олиб даволанади холос. Дарвоқе, касалхонада бир кеча-кундуз даволаниш 3 минг долларга тушади.

Бироқ шуниси ачинарлики, шундай ҳашаматли, жуда зўр шифохонада даволанишга ҳали бирорта мижоз хоҳиш-истак билдирмаяпти.

Қоғоз ўқни тўсиб қолди

Испаниялик 36 ёшли аёл Хулия Кордоба харид қилиб дўкондан кўчага чиқиши билан икки жиноятчи гуруҳ отишмасининг ўртасида қолди ва кўкрагига келиб теккан икки ўқ зарбидан йиқилиб тушди. Ўлдим, деди. Бироқ ажали етмаган экан. Ҳеч қандай шикаст емади. Харид қилган нарсалари — ҳужжат қоғози ўрами Хулияни бир ўлимдан асраб қолди.

Клинтонни истеъфога чиқаришмоқчи

АҚШ конгрессининг Адлия қўмитаси раиси Билл Клинтонни Моника Левински билан шўхлик қилганлиги учун ўз лавозимидан кетишга чақирди. Қўмита раиси Генрих Хейднинг айтишига кўра, бу Клинтон томонидан қилинган қаҳрамонона ҳаракат бўларди. Президент Клинтон яна бир бор ўз вазифасидан кетишга ҳеч қандай асос йўқлигини таъкидлагандан сўнг, Хейд шундай баёнот билан чиқди. Пайшанба куни Адлия қўмитаси таклиф этган импичментнинг тўртта бўлими бўйича конгресснинг вакиллар палатасида овоз берилади. Клинтонни қасамёд қабул қилганидан сўнг ёлғон гапирганлиги учун айблашмоқда. Бироқ, Клинтон гарчи конгресснинг вакиллар палатаси адлия қўмитаси сингари уни истеъфога чиқармоқчи бўлса ҳам мен ўз вазифамни топширмайман, деди. Клинтон Қуддус шаҳрида ўтказилган матбуот анжуманидан сўнг шундай баёнот берди. Америка Президентининг сўзларига қараганда, у конгрессменларни импичментга қарши овоз беришга даъват этмоқчи эмас, бироқ бу масалага қизиққан шахслар билан ушбу муаммони муҳокама этишга ҳамиша тайёр. Келгуси хафтада эса вакиллар палатаси Адлия қўмитасининг ҳисоботи юзасидан тўла таркибда овоз бериш маросимини ўтказади.

Террорчидан хавфсирашмоқда

Таниқли халқаро террорчи Усама бин Ладен 1993 йилда Американинг хориждаги объектларига зарба бериш учун Россиядан ядро каллакларини сотиб олишга уринган. Бу ҳақда Американинг «Тайм» журнали АҚШнинг разведка доираларидаги манбаларга таяниб хабар қилди. Россиядаги ядро каллакларини сотиб олишдан воз кечишнинг асосий сабаби шуки, «Қора бозорда» уни топишнинг иложини қилолмади. Шундан сўнг, саудиялик миллионернинг айғоқчилари Россия ва собиқ СССРдаги бошқа давлатлардан бойитилган уран ва бошқа қуроллар сотиб олишга интилишди. Лекин шуниси қувончлики, Ладеннинг одамлари бу соҳада ҳеч нарса тушунишмасди. Шу боис ҳам, россияликлар уларни лақиллатишди. Уларга уран сифатида жанг пайтида ишлатиб бўлмайдиган, паст даражада бойитилган уранни сотиб юборишди. Кейинги сафар эса айғоқчиларга «қизил ртут» номли «ядро ахлати»ни тақдим этишди. Шу боис ҳам бин Ладен ядро қуролига эга бўлолмади. Манбаларнинг «Тайм» журналида хабар қилишларича Ладен АҚШнинг қатор мамлакатларидаги, шунингдек Озарбойжондаги элчихонасини портлатиб юбормоқчи эди. Бироқ Американинг махсус хизматлари унинг бу режаларини барбод қилишди. Лекин шунга қарамай саудиялик миллионер АҚШга нисбатан террорчилик ҳаракатини амалга оширмоқчи. Шу боис ҳам Америка разведка бошқармаси кўпчиликни огоҳлантирди. Вашингтон ёки Нью-Йоркка зарба урилмоқчи, деб таъкидлайди «Тайм» журнали.

«Энди балиқлар мени есин!»

Питер Ходж ўзи сартарошлик қилса-да, ашаддий балиқчи. У Англия жанубидаги Сомерсет шаҳарчасида яшайди. Ҳозир 51 ёшда бўлишига қарамай балиқ овига чиққани чиққан. Қармоқда тутади. Лекин кейинги пайтда балиқларга раҳми келди шекилли ўйланиб қолди. Ва ғаройиб васиятнома ёзиб, ўғилларига бериб қўйди. Унда «Мабодо, ой-куним етиб ўлсам, қабристонга қўмманглар. Мурдамни майдалаб, қуртдек-қуртдек қилиб думалоқланглар ва дарёнинг мен ов қиладиган ерига сочиб юборинглар. Шу пайтгача мен балиқларни едим, энди уларнинг гали келди — мени есин» деб ёзилган эди.

Ишқий-романтик рейтинг

Таниқли «Дюрекс» фирмаси жаҳоннинг йирик шаҳарлари ўртасида социологик тадқиқотлар ўтказди. Маълум бўлишича, ишқ-муҳаббатга «кўмилиб» яшаётган шаҳарлар орасида Париж биринчиликни олган. Сўнг Рим. Энг охирги ўринларда эса Варшава ва Торонто шаҳарлари турибди. Москва ва Санкт-Петербург ишқий хит-парадда ўрта ўринларни эгаллаган.

Кабида усули илмий ўрганилади

Угандининг Кампала шаҳридаги тиббиёт институтининг гинекология кафедраси ассистентлари ўша ерлик айрим қабилалар орасида кенг тарқалган «бола олдириш» усулларини илмий жиҳатдан ўрганиб чиқишди. Аниқланишича, бу усул умуман оғриқсиз бўлиб, унга кўра, хомиладор аёл майда шағал тўлдирилган икки челакни икки қўлида даст кўтаради (қорин билан баробар қилиб) ва бачадон мускуллари тебранишига таъсир этадиган даражада қаттиқ сакрайди. Натижада мускуллар торайиб, бачадондан бола сурилиб чиқади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бундай усул фақат беш фарзанди бўлиб, олтинчисига хомиладор бўлганларга эндиликда гинекология марказлари томонидан тавсия этилмоқда.

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 17 dekabr, payshanba № 150 (24.387).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Зарби зўр йигитлар чемпионликка муносиб

Қаторда нoринг бўлса юкинг ерда қолмайди. Таиландда яна икки кундан кейин якунланадиган Осиё ўйинларида шармандали мағлубиятга учраб миллионларни ранжитган футболчиларимизнинг бошлари ҳам бўлиб қолгани ҳаммага аён. Зеро, спорт анжуманида кўнгиллар сув ичадиган кайфиятни кўтарадиган ютуқлар ҳам бор. Илоҳим кўз тегмасин. Чарм қўлқоп усталари Бангкокда мухлис-у мутахассисларни ҳайратга солишмоқда. 10 нафар боксчимиздан 7 нафарининг финалга чиқиши шундан нишона. Ҳал қилувчи учрашувда эса нақд кумуш, омад келса, олтин бўлиши муқаррар.

Ярим финал баҳсларида Темур Туляков, қозоғистонлик Марат Мазанбойевни 18:4 ҳисобида доғда қолдирган бўлса, Темур Сулаймонов мўғул Т. Ултумонни 6:3 ҳисобида ютди. Дилшод Ёрбеков эса суриялик Муҳаммад Қодир билан жанг қилиб, муддатдан олдин ғалабани таъминлади. Руслан Чагаев эронлик Хусайний Руҳуиохни 17:2 ҳисобида енгди. Шунингдек, Тўлқин Турғунов,Муҳаммадқодир Абдуллаев, Сергей Михайловлар ҳам мусобақанинг финалига чиқиб, ғалабага қўл чўзиб турибдилар. Фақат Наримон Отаевнинг омади юришмай қолди. У ярим финалда Таиланд боксчиси Паркпоом Жангихопкдан 5:15 ҳисобида енгилиб, бронза медали билан қаноатланди. Эртага чарм қўлқоп усталари ҳал қилувчи ўйинда иштирок этиш учун рингга кўтариладилар. Зарби зўр йигитларимизга омад тилаймиз.

Курашчиларимиз ҳам бўш келишмаяпти. Шермуҳаммад Кўзиев юнон-рум беллашувида эронлик Сабзалу Мехтини 3:0 ҳисобида енгиб турганди. Кутилмаганда ҳакам гўёки, хато топгандек йигитимизни тиззалашга мажбур этди. Эронлик эса ўзини кўрсатиб, олтинни эгаллаб кетди. Полвонларимиздан Аслиддин Худойбердиев билан Баҳодир Қурбоновларга ҳам Осиё ўйинларининг кумуш медали насиб этди. Григорий Пуляев билан Дилшод Орипов курашчиларимиз нишонларини ўзларининг бронзалари билан тўлдирдилар. Маълумки, оғир атлетикачилар баҳси ҳалоллик ва мардликни тақозо этади. Бу борада моҳир полвонимиз Игорь Халилов астойдил ҳаракат қилиб, терма жамоамизга ўзининг кумушини инъом этишга муваффақ бўлди.

Яна иккита кумуш медални енгил атлетикачиларимиз келтиришди. 4х100 метрга эстафеталик югуришда Б. Кветковская, Г. Хуббиева, Л. Дмитриади, Л. Переполова ҳамкорликни ўрнига қўйиб, 44,38 сониялик натижа билан маррада иккинчи бўлишди. Гўзал Хуббиева эса 400 метрга югуришда яна ўзини кўрсатиб, кўксига иккинчи кумуш нишонини осди.

Мухлислар футболнинг буёғи нима бўлаётгани билан қизиқишлари табиий. Чорак финалда Туркманистон — Хитой (0:3), Корея — Таиланд (қўшимча вақт — 1:2), Катар — Қувайт (11м. — 1:3). Кеча Эрон — Хитой, Таиланд — Қувайт жамоалари ўртасида ярим финал ўйинлари бўлди. Сўнгги медаллар учун кураш эса қизғин давом этмоқда.

Ҳайдар НОСИРОВ

Кунлардан бир куни Ориф ака...

(«Дўрмон ҳангомалари»дан)

Таниқли шоир Ориф ака Одилхонов исми жисмига монанд — ростдан ҳам ориф, одамохун ва дилкаш инсон. У киши «Пул орттирма, дўст орттир» мақолига қатъий амал қилиб яшайди. Шу боис яхши, садоқатли дўстлардан ёлчиган. Хонандалар Ориф аканинг юзлаб шеърларини қўшиқ қилиб куйлашади, мусаввирлар Сўқоқнинг бетакрор манзараларини рангтасвирга туширишади.

Дарвоқе, шоир узоқ йиллардан буён раҳбарлик қилиб келаётган машҳур «Сўқоқ» дам олиш уйи Ориф аканинг саъй-ҳаракатлари, фидойилиги туфайли файзли, табаррук даргоҳга айланган.

Яна бир гап — Ориф ака афандимижоз, қувноқ ва ҳазилкаш одам. Гурунглашиб қолсангиз, кулдиравериб ичагингизни узади. Қуйидаги ҳангомалар шоирнинг кулги халтасидан бир шингил, холос...

Уйини танимай қолди

Меҳмондорчиликдан кайфи ошиброқ қайтаётган Ориф акани уйга етгач, хотини аста авайлаб машинадан туширмоқчи бўлади.

— М-мен уйимга кетишим керак, у ёққа кирмайман! — Ориф ака пастга тушгиси келмай, оёқ тираб туриб олади.

— Вой дадаси, ўз уйингизга келдингиз, туша қолинг энди.

— Йўқ, й-йўқ, м-мен сендақа хотинларнинг кўпини кўрганман, б-барибир мени алдай олмайсан!

Уйини танимай қолган шоирни кўплашиб, зўрға машинадан туширишади.

Олинг, мулла Ориф

Ориф ака Хоразмга борганида у ердаги қадрдонлари жуда яхши кутиб олишади. Катта бир кўлда сузиб юрувчи шийпондаги базму жамшид, айниқса унутилмас бўлади. Чор атрофга шоҳона кўрпа, ёстиқлар тўшалган. Ориф ака ўзини худди Исфандиёрхондек ҳис этар, сувнинг салқин эпкинидан ҳузурланиб, тўйиб-тўйиб нафас олар эди. Бир маҳал дастурхонга турфа хил таомлар тортилади. Хоразмча пиширилган балиқларни кўриб Ориф ака очиққанини сезиб, бир ютиниб қўяди. Ҳамма жамулжам бўлгач, дастурхонга ҳужум бошланади.

Илтифот-манзиратга одатланган Ориф ака бир дастурхонга, бир индамай овқатнинг чангини чиқараётган мезбонларга андак тааҳжуб ила қараб қолади. Барибир «олинг, олинг!», «қани, қани»дан дарак бўлавермайди. Шундагина хоразмликларнинг одати эсига тушган меҳмон астойдил томоқ қириб, баланд овозда хитоб қилади:

— Мулла Ориф! Ҳой мулла Ориф! Меҳмонлар ҳайрон бўлиб бир-бирига аланглаб қарашади. Чунки даврада бошқа Ориф отлиғ зот йўқ эди-да.

«Мулла Ориф» гапнинг пўст калласини айтади:

— Дастурхондаги мана бу нозу неъматлардан сиз ҳам еб ўтиринг, қисинманг, акс ҳолда бу Хоразм элинда очдан ўласиз, Мулла Ориф!

Қийқириқ кулги зарбидан кўл устидаги кўчма шийпон бир қалқиб кетади.

Боқувдаги артист

«Сўқоқ»даги дам олиш уйида семизгина бир артист йигит ҳордиқ чиқарар, Ориф ака у билан самимий ҳазиллашиб юрар эди. Ниҳоят, артистнинг муддати тугаб, уйига қайтадиган бўлади. Хайрлашаётганда Ориф ака ногоҳ ундан сўраб қолади:

— Илтимос, яна бир-икки кун туришнинг иложи йўқми?

— Нима гап ўзи, Ориф ака?

— Эрта-индин комиссия келадиган эди, уларга «Биз дам олувчиларни мана шундай боқяпмиз!» дея сизни кўрсатар эдим-да!

Шодмон ОТАБЕК

Сабр-қаноат иймондандур

Муборак Рамазон ойи

Ислом дунёсида одамлар кам емоқлик, кам ухламоқлик, кам сўзламоқликка даъват этилади. Бунинг шарҳи ва маъноси бир олам экани сир эмас. Боиси, камроқ тановвул этган киши ҳамиша тетик ва бардам бўлади. Кам ухлаган инсон зийрак ва хушёр ҳамда теран юради. Кам сўзлаш ҳақида кўп эшитганмиз. Чунки, айтилган гап отилган ўқ ёки айтилмагани олтин, айтилгани кумуш, деган иборалар бор. У эмас, бу эмас, бу сўзларда сабр-қаноатга чорлов яширинган. Шу жиҳатдан қараганда ҳар йили 13 кунга орқага суриладиган ва бир ой мобайнида ихлос билан тутиладиган рўза кунларида ҳам одам боласи ўзига хос синовдан ўтади. Оллоҳга шукрлар бўлсинким, рўза туфайли фалончи нохуш аҳволга тушибди, деган гаплар ҳали бўлмаган.

Бундай қараганда рўзани ихтиёрий оч юриш, десак муболаға бўлмас. Хўш, инсон ўзини ўзи бундай ҳолатга солиши фойдалими ёки зарар? Олимларнинг бу борада ўтказган тажрибаларидан бир мисол. Унинг ўрганишига қараганда ориқ киши ҳам, семиз ҳам кўпроқ тановвул қилишга иштиёқманд бўларкан. Ориқлар кўпроқ еб-ичиб, ҳамма қатори рисоладагидек бўлиб юришни орзу қилишса, семизлар ўзи билмаган ҳолда катталашиб қолган қорин бўшлиғини қандай бўлмасин тўлдириш пайида юраркан. Ваҳоланки, ҳар иккала ҳолатда ҳам нафсни тия билиш хосиятли кечаркан. Олим болаликдан ориқ-тирриқ бўлиб қолган бир қизча устида тажриба ўтказган. Маълум бўлишича, унинг онаси қизини қандай бўлмасин эт қўйиши ҳақида қайғуриб, турли-туман егуликлар билан тўйдиришга уринаркан. Лекин, болага бу овқатлар сингмас ва тўлиқ хазм бўлмас экан. Шунда олим бу қизга бир ҳафта ҳеч нарса емай танани поклашга буюрди. Фақат дистилланган сув ичказган. Қиз янада озган. Иккинчи ҳафтадан бошлаб унга кўпроқ сабзавот ва мевалар бера бошлаган. Учинчи ҳафтадан бошлаб бутун аъзолари, айниқса ҳазм қилиш аъзолари покланган қизчанинг аста вазнига вазн қўшила бошлаган. Кейинчалик у овқат еганда шунчалик танаси яйраб, ҳузур қиладиган бўлганки, иштаҳаси очилиб, еганлари танасига сингаверган. У тўлишиб, ранги очилиб, қишлоқдаги энг гўзал қизлардан бирига айланган.

Кўриниб турибдики, ихтиёрий оч юриш ёки маълум муддат рўза тутиш хосиятли кечади. Оллоҳга беҳисоб шукрлар бўлсин, мана яна муборак Рамазон ойи бошланмоқда. Жаннат эшиклари очиладиган, дўзахий азоб-уқубатлар тўхтатиладиган, одамларни тақвога, меҳр-мурувватга, бедорлигу-хушёрликка бошлайдиган рўза ойлари бошланяпти. Рўза ақли бутун, соғлиғи яхши бўлган ҳар бир мусулмонга фарз қилинган. Бу ойнинг ҳар бир куни Оллоҳга ибодат саналиб, рўзадор кишилар ибодат қилганлик савобини топадилар.

Рўзадор киши рўза тутганлиги ёдида бўла туриб, қасддан тановвул қилса, унинг рўзаси бузилади. Бу кун учун у тўлиқ рўза тутиш ва каффорат бериши шарт. Агар кишининг рўзаси мажбуран очирилса ёки таҳорат ва бошқа ҳолатларда оғиз чайқамоқчи бўлсаю, тамоғига сув кетиб қолса, субҳ бўлгани йўқ дея саҳарлик қилаверсаю тонг отиб қолса ёки қуёш ботди деб, оғиз очсаю ҳали қуёш тўлиқ ботмаган бўлса, ўзи уриниб мажбуран оғзи тўлиб қайт қилса, тугма, майда тош каби нарсаларни ютиб юборса бундай ҳолларда шу кунги рўзанинг қазоси тўлиқ бир кун тутиб берилади. Рамазон ойи мобайнида одамлар бир-бирларига меҳр-мурувватли, оқибатли, шафқатли бўлишлари тақозо этилади. Рўзадорларни ҳурматини ўрнига қўйиш ҳам муҳим саналади. Илоҳим тутган рўзаларимиз савобларидан қўпни баҳраманд этиб, Оллоҳ даргоҳида қабул қилсин. Илло Оллоҳ билгувчидир.

Мирзо АНВАР

Саҳарлик ва ифторлик вақтлари

(Тошкент вақти билан)



Рамазон	Декабрь Январь	Ҳафта кунлари	Саҳарлик тугаши	Ифторлик вақти	Қайд учун
1	19	шанба	6-05	16-55	
2	20	якшанба	6-06	16-56	
3	21	душанба	6-07	16-57	
4	22	сешанба	6-08	16-58	
5	23	чоршанба	6-08	16-58	
6	24	пайшанба	6-08	16-59	
7	25	***жума***	6-08	16-59	
8	26	шанба	6-09	17-00	
9	27	якшанба	6-09	17-01	
10	28	душанба	6-09	17-02	
11	29	сешанба	6-09	17-03	
12	30	чоршанба	6-08	17-04	
13	31	пайшанба	6-08	17-05	
14	1	***жума***	6-08	17-06	
15	2	шанба	6-07	17-07	
16	3	якшанба	6-07	17-08	
17	4	душанба	6-06	17-09	
18	5	сешанба	6-05	17-10	
19	6	чоршанба	6-05	17-11	
20	7	пайшанба	6-04	17-12	
21	8	***жума***	6-04	17-13	
22	9	шанба	6-03	17-14	
23	10	якшанба	6-03	17-15	
24	11	душанба	6-02	17-16	
25	12	сешанба	6-02	17-17	
26	13	чоршанба	6-01	17-18	
27	14	***пайшанба***	6-01	17-19	**Қадр кечаси**
28	15	***жума***	6-00	17-20	
29	16	шанба	5-59	17-21	
30	17	якшанба	5-58	17-22	

Тутмоқлик нияти

Навайту ан асума совма шаҳра Рамазана минал фажри илал мағриби, холисан лиллаҳи Таъала. Оллоҳу акбар

Яъни: Оллоҳ таоло учун ихлос билан Рамазон ойининг рўзасини субҳдан кун ботгунча тутмоқликни ният қилдим. Оллоҳу акбар

Ифторлик нияти:

Аллоҳумма лака сумта ва бика аманту ва алайка тавакказалту ва ала ризқика афтарту, фағфирли ма қоддамту ва ма аххарту бироҳматика йа арҳамар роҳимин.

Яъни: Эй, бор Худоё, ушбу рўзамни фақат сенинг учун тутдим ва сенга иймон келтирдим ва сенга таваккал қилдим ва сенинг берган ризқинг билан ифтор қилдим, эй гуноҳларни афв қилувчи Оллоҳ, менинг аввалги гуноҳларимни ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгин ва ярлақагил.

Чириган капитализм

Кунлардан бир куни, советлар замонида Ориф ака туристлар гуруҳи таркибида Англияга сафар қилади. Ўша замонда бу жуда катта воқеа эди. Сайёҳлар Лондоннинг диққатга сазовор жойларини, музейлар, тарихий обидаларни мириқиб томоша қиладилар. Ҳукмрон қизил мафкуранинг муттасил ташвиқоти — заҳарлаши туфайли бўлакча бир хаёл-тушунча билан борган меҳмонлар бу ердаги ажойиб қадриятларни, юксак маданият ва гўзалликни, тартиб-интизомни кўриб, лол-ҳайрон қоладилар. Янги таассуротлар оғушида ана шундай сармаст-сарҳуш бўлиб юрган кунларнинг бирида Ориф ака ногоҳ ҳамроҳларини ажаблантириб, бурнидан чуқур-чуқур нафас олиб, бошини чайқаб, «оббо падарлаънат-ей!» дея ўзича сўкинар, шерикларидан «наҳотки, бир ҳидни сезмаётган бўлсанглар?!» дея сўраб ҳам қўяр эди.

Ниҳоят, сабр-тоқати тугаган сайёҳлардан бири чидолмайди:

— Ниманинг ҳидини айтяпсиз, Ориф ака?

— Ана шу-да! Билмайсизлар! Социализм сизларнинг ҳид билиш аъзоларингизни ҳам ишдан чиқарган!

— Айта қолинг энди одамни хит қилмай!

Ориф ака муҳим бир мўъжизанинг сирини очаётгандай, оҳиста, аммо қатъий оҳангда, заҳарханда билан, ачитибгина киноя қилади:

— Чириган капитализмнинг ҳидини сезмаяпсизларми?...

Тирик арвоҳлар

Айтишларича, Ғафур Ғулом Ориф ўрис деб аталмиш эски фирқа аъзоси билан (у ҳақда кўп ҳангома-латифалар бор) ошно бўлган экан. Кунлардан бир кун «Муштум» журнали таҳририятида Ориф ака устоз шоир билан учрашиб қолади.

Ходимлардан бири уларни ўзаро таништираётиб, шундай ҳазиллашади:

— Ғафур ака, мана, Ориф ўртоғингиз (аслида раҳматли бўлиб кетган — Ш. О.) Сизни йўқлаб келибди.

Шунда Ғафур Ғулом Ориф акага ажабсиниб яқинлашади, пешонаси ва юзларини силаб-сийпалайди. Сўнг оҳиста бағрига босиб, елкасига уриб-уриб қўярқан, шундай дейди:

— Ҳалиям бор экансиз-да, раҳматли!

Ориф ака ҳам бўш келмай, дарров жавоб қайтаради:

— Арвоҳ арвоҳни йўқлайди-да, устоз!

Гурр кулги кўтарилади.

Муносиб номзод

Ориф ака советлар даврида маълум муддат бир хўжаликда партком вазифасида ишлаганди. Бир куни райком секретари унга партия аъзолигига номзод сифатида оддий колхозчини тайёрлаб келишни топширади.

Ўша давр сиёсатига кўра партияга ақлли, ўқимишли одамлар керак эмас, шу боис зиёлиларнинг партияга кириши анча чекланган эди.

Ориф ака колхозчидан номзод тополмай, ноилож бир инженерни аъзоликка тайёрлайди. Ниҳоят, райком йиғилишида бу масала кўрилаётганда секретар Ориф акага танбеҳ бериб, иддао қилади:

— Биз сизга оддий колхозчидан номзод тайёрланг, дея топшириқ бергандик, ўртоқ Одилхонов! Сиз бўлсангиз зиёли-инженерни тавсия қилиб ўтирибсиз. Бу қандай ўзбошимчалик?!

Ориф ака танқиддан ўзини йўқотмай, ўйлаб қўйган жавобини дангал айтади:

— Бу номзодни мен яхши биламан, ўзи инженер-зиёли бўлса ҳам, калласи колхозчиникидан ортиқ ишламайди! Айтмоқчиманки, савияси жойида! Шонли партиямизга жуда ҳам муносиб номзод!

Қийқириқ, қарсаклар бошланади. Нозик, аммо қалтис киноян ҳамма ҳам бирдек илғамайди...

«Он прав!»

Мустақилликдан илгари марказдан келиб бизга раҳбарлик қилган, ақл ўргатганларнинг ошиғи олчи бўлган кезлар турли нохушликлар, кўнгилсизликлар қатори ғаройиб, кулгили воқеалар ҳам учраб турарди. Шундай раҳбарлардан бири Ориф акага танбеҳ бериб, дейди:

— Сен жойлардаги кадрларга қаттиқўл эмассан! Фалон колхоздаги клубнинг аҳволини кўрдингми? Эртага ўша ерга борамиз. Клуб мудирини менинг кўз олдимда, аямай сўкасан!

Раҳбарнинг амри вожиб! Эртаси куни айтилган жойга боришади. Ориф ака клуб мудирига билинтирмай секин кўз қисиб қўйгач, ногоҳ важоҳатини ўзгартириб, жиддий алпозда «сўка бошлайди»:

— Бизнинг муқаддас удумларимизни билмаган, юз-хотирчилик, андиша деган нарсанинг кўчасидан ўтмаган мана бу чўчқа, тўнғиз сени сўкиб қўйишимни буюрди! Бу аҳмоқ билмайдики, сен билан биз қадрдон ака-укамиз, тобуткашмиз!

Кулгидан зўрға ўзини тийиб турган клуб мудири ҳам ўзича андак «рол»га киришмоқчи бўлиб, эътироз билдириш учун оғиз жуфтлаганда, тилни мутлақо билмайдиган раҳбар елкасига қоқиб, шаштини қайтаради:

— Не возражай! Он прав!

... Ориф ака худди ана ўша раҳбар билан бир куни пахта далаларини айланиб юрган эди. Бир колхознинг йўл ёқасидаги майдонида ўсиб ётган ғўзаларни кўриб, раҳбар ўзича танбеҳ берган бўлади:

— Нега бу ғўзалар ҳалигача чеканка қилинмаган?

Раис нажот истаб, Ориф акага тикилади.

— Ўртоқ фалончиев! Бу ғўза эмас, каноп-ку! — дейди Ориф ака кутилмаганда!

— Э. дарвоқе, кечиринглар...

Каноп билан ғўзанинг фарқига бормайдиган раҳбар мулзам бўлиб қолади.

Мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар ҳар биримиздан, айниқса, давлат бошқаруви тизими, корхона, компанияларнинг раҳбар ходимлари, давлат хизматчиларидан бошқарув, ҳуқуқ, иқтисодиёт, сиёсат ва маънавият соҳаларида бугунги талаблар даражасида билимларга эга бўлишни тақозо этмоқда. Ушбу билимларга эга бўлишни истасангиз Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг

«ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ»

журналига обуна бўлинг

Обуна индекси

Якка тартибдаги обуначилар (жисмоний шахслар) учун 75221.
Идоралар (юридик шахслар) учун — 75222.

Ғолибларни қутлаймиз!

«ИСТИҚЛОЛИМ-ИСТИҚБОЛИМ» РАДИОТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси арафасида Ўзтелерадиокомпания танлов ҳайъати вилоятлараро «Истиқлолим-истиқболим» радиотанловига тақдим этилган эшиттиришларни кўриб чиқиб, ғолиб жамоа ва ижодкорларни аниқлади.

Биринчи ўрин

Наманган вилояти радио ижодкорларига;

Иккинчи ўрин

Бухоро, Андижон ва Жиззах вилояти радио ижодкорларига;

Учинчи ўрин

Қашқадарё, Хоразм ва Сурхондарё вилояти ижодкорларига;

Рағбатлантирувчи мукофот

Навоий, Фарғона ва Самарқанд вилояти радио ижодкорларига;

Энг яхши радиожурналист мукофоти

Абрай Саидов (Сурхондарё вилояти радиоси бош муҳаррири), Ҳасанбой Ботиров (Жиззах вилояти телерадиокомпанияси раисининг муовини)га;

Энг яхши режиссёр мукофоти

Елмурод Есимуродов (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг режиссёри), Алижон Абдуллаев (Сирдарё вилояти телерадиосининг бош режиссёри)га;

Энг яхши сухандон мукофоти

Насиба Бўриева (Қашқадарё вилояти телерадиосининг сухандони), Манзура Шодиева (Фарғона вилоят телерадиосининг сухандони), Турсуной Саидова (Андижон вилоят телерадиосининг сухандони)га.

Ғолиблар пул мукофоти, Ўзтелерадиокомпаниянинг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалар билан тақдирланади.

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни сотади.

ҲАҚ ТЎЛАШ — ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин.

Манзил: *Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» машиний хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.*
Телефон: 54-56-11. Факс: 54-49-11 Пейжер: (067) 90-79

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ*, навбатчи *Шукур ЖАББОРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида. А—2 форматда. 20.025 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади

Г — 0592

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.15

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА